БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 213 (960)

25 ОКТЯБРЬ ЖУМА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

СССРда социализм қурилганлиги—Октябрь революциясининг асосий якунидир. Жаҳонда биринчи социалистик давлат қурган Совет Иттифоқи ишчилар синфига, колхозчи деҳқонларига, интеллигенциясига шон-шарафлар бўлсин!

(Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

Уй-жой қурилиши ва партия ташкилотларининг вазифалари

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «СССР да уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари фаровонлиги тўғрисида қилаётган ғамхўрликларининг яна бир янги ёрқин ифодасидир. Бу қарор эълон қилингандан бери ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса ҳам областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида қурилиш ишлари суръати анча тезлаштирилди. Илғор бинокорларимиз янги оширилган мажбуриятлар олиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ мусобақасида олдинги сафда бормоқдалар, улуғ байрамни муносиб совғалар билан кутиб олиш учун бутун имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

Бу соҳада Тошкент шаҳридаги 152- қурилиш трести коллективининг иши ибратли ва мақташга сазовордир. Трестнинг қурилиш ишлари кўлами жуда катта. У шаҳарнинг Октябрь ва Киров районларида саноат корхоналари, маданий-маиший объектлар ҳамда уй-жой биноларини қуришни тез суръатлар билан олиб бормоқда. Трест коллективи яқинда 9461 квадрат метр уй-жой биносини фойдаланишга топшириб, йиллик планни муддатидан илгари бажарди ва йил охиригача планга қўшимча равишда яна 10 минг квадрат метр уй-жой қуриб бериш мажбуриятини олди. Бу муваффақиятга эришишда трест коммунистлари катта роль ўйнадилар. Партия ташкилоти (секретари қурилиш мастери ўртоқ М. Кильганов) трест коллективини планни муддатидан илгари бажариш учун курашга актив сафарбар эта олди. Ҳар қайси қурилиш объектига партия бюросининг аъзолари доимий равишда биркитиб қўйилди. Бу трест коллективи эришган муваффақият ҳаммамизни чексиз қувонтиради, шу билан бирга уй-жой қурилиши планларини бажариш учун ҳамда уларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш учун бизда барча имкониятлар борлигидан далолат беради.

Аммо шуни эътироф қилмоқ керакки, областимизда уй-жой қурилиши ҳамон қолоқ соҳа бўлиб келмоқда. Хусусан шаҳарларда уй-жойга эҳтиёж ўсиб бораётганлигига қарамай областимизда ўтган йили уй-жойларни фойдаланишга топшириш планининг 67 процентгина бажарилганлиги ва бу йил ҳам бинокорлик ишлари суръатининг қониқарсиз бораётганлиги бунга яқол далил бўла олади.

Оҳангарон шаҳрида 11 минг қурувчилар армияси бор. Бу бутун областимиздаги қурувчиларнинг қарийб ярмисини ташкил этади. Шу билан бирга уй-жой қурилиши суръатини тезлаштириш учун бошқа ҳамма имкониятлар бўлишига қарамасдан шаҳарда уй-жой қурилиши бўйича шу йилнинг 9 ойлик плани бажарилмай қолди. Бунга асосан шаҳар партия комитетининг қурилиш ташкилотларига конкрет ва оператив раҳбарлик қилмаётганлиги, уларни ишнинг кўзини биладиган раҳбар хўжалик кадрлар билан таъминлашга жиддий эътибор бермаётганлиги, қурилиш объектларида партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги сабаб бўлмоқда.

Айрим шаҳар ва район партия ташкилотлари уй-жой қурилиши масалаларига доир кўпгина яхши қарорлар қабул қиладилар ва тадбирлар белгилайдилар. Лекин ҳамма иллат шундаки, қабул қилинган қарорларни бевосита қурилиш объектларида, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариладиган корхоналарда амалга ошириш учун кунсайин ташкилотчилик ишлари олиб бормайдилар. Қурилишларда ишчилар меҳнатининг яхши ташкил этилмаганлиги, уларга қулай маданий-маиший ва моддий шароит яратиб берилмаганлиги, илғор қурувчиларнинг тажрибалари кенг оммалаштирилмаётганлиги, қурилишларда мавжуд механизмлар ва индустриал методлардан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги уй-жой қурилишининг суст олиб борилаётганлигига асосий сабабларнан бири бўлмоқда.

Маҳаллий партия ташкилотлари кейинги вақтларда уй-жой қурилиши масалаларига анча кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Натижада якка тартибда минглаб квадрат метр ҳажмида уй-жой биноларн қуриб олинди. Лекин шу билан бирга якка тартибда уй-жой биноларн қуриш ҳали ҳам қониқарсиз аҳволда. Ўзига уй қуриб олмоқчи бўлган меҳнаткашларнинг ер участкаси ололмай ойлаб, ҳатто йиллаб сарсон бўлаётганликларини нормал бир ҳол деб бўлмайди. Партия ташкилотлари бундай ярамас ҳолларга қарши кескин кураш олиб боришлари керак.

Партия ташкилотлари бинокорлар орасида оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишларини кучайтиришлари, исрофгарчилик ва хўжасизликка қарши кураш олиб боришлари, бинокорларни меҳнатга ва ижтимоий мулкка социалистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашлари, илғор қурувчиларнинг тажрибаларини, горькийликларнинг коллектив бўлиб уй-жой қуриш методини оммалаштиришлари, қурувчилар ўртасида партия ва ҳукуматимизнинг уй-жой қурилиши тўғрисидаги тарихий қарорларини бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари лозим.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларида бундай дейилган: **Совет бинокорлари! Янги саноат корхоналарини, уй-жой биноларини, касалхоналарни, мактабларни ва бошқа маданий-маиший муассасаларнинг биноларини қуриш суръатларини тезлатингиз ва сифатини яхшилангиз!**

Район ва шаҳар партия комитетларининг энг муҳим вазифаси — қурилишлардаги қуйи партия ташкилотларига раҳбарликни кунсайин кучайтиришдан, уларнинг қурилиш ишлари планининг бажарилиши сохасидаги ролини ошириш ва мустаҳкамлашдан, қурилиш ишлари сифатини яхшилашдан иборат.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ва Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ бир-бирларига телеграмма юбордилар

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов 1957 йил 15 октябрда Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳга унинг туғилган куни муносабати билан табрик телеграммаси юборган эди.

Муҳаммад Зоҳир шоҳ шу йил 22 октябрда К. Е. Ворошилов номига жавоб телеграммаси юборди.

Қуйида телеграммаларнинг текстлари босилади.

«Афғонистон подшоси МУҲАММАД ЗОҲИР ШОҲ Ҳазрат Олийларига

КОБИЛ.

Ҳазрат Олийлари, Сиз туғилган кун — Афғонистоннинг миллий байрами муносабати билан самимий табрикларимни ва Сизга ҳамда Сизнинг оилангизга сиҳат-саломатлик ҳамда бахт тилаб чин кўнгилдан изҳор қилган истакларимни йўллайман.

Тинчлик ва прогресс йўлидан бораётган дўст ва қўшни афғон халқининг ҳар соҳада муваффақиятлар қозонишини ҳам истайман.

1957 йил ёз фаслида дўстлик визити билан Совет Иттифоқига қилган сафарингиз бизда унутилмас таассурот қолдирди ва биз ана шу визит вақтида сиз билан бўлган самимий ва ёқимли учрашувларимизни мамнуният билан эсга олмоқдамиз.

Ҳазрат Олийлари, СССР билан Афғонистон ўртасидаги мавжуд дўстона ва яхши қўшничилик муносабатлари мамлакатларимизнинг ва уларда яшовчи халқларнинг бахт-саодати йўлида, умумий тинчлик иши манфаатлари йўлида бундан кейин ҳам доим мустаҳкамланади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси»

«СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ Жаноб Олийларига

МОСКВА.

Туғилган куним муносабати билан Сиз Жаноб Олийлари лутфан юборган мактуб менинг учун зўр мамнуният манбаи бўлди. Сиз изҳор қилган яхши туйғулар учун Сиз Жаноб Олийларига ташаккур изҳор қилиб, шу фурсатдан фойдаланиб, шахсан Сизнинг сиҳат-саломат бўлишингизни, шунингдек совет халқининг янада гуллаб-яшнаши ва тараққий этишини чин кўнгилдан тилайман. Яқинда ғўзал мамлакатингизга қилган саёҳатим менда узоқ вақт эсда қоладиган энг ёқимли туйғулар қолдирди ва мен шунга аминманки, менинг ана шу сафарим мамлакатларимиз ўртасида мавжуд бўлган дўстона муносабатлар, ҳамжиҳатлик ва ишончни янада мустаҳкамлашга кўп ёрдам берди. Бу муносабатлар бутун дунёда тинчлик саодати йўлида ва барча халқлар ўртасида энг яхши ҳамжиҳатлик бўлиши учун мустаҳкамлансин ва янада ривожлансин.

Муҳаммад ЗОҲИР».

Ғанимат фурсатдан тўла ва унумли фойдаланиб суръатга-суръат қўшайлик!

☆

Илғор пахтакорлар муваффақияти

6-«Кўкорол» совхозининг коллективи пахта йиғим-теримини ҳар тарафлама намунали уюштириб, давлатга пахта тайёрлашда илғорлар сафида бормоқда. Айниқса, совхознинг 2-бўлими ишчилари қўлга киритаётган муваффақиятлар мақтовга сазовордир. Улар мавсум бошида 450 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 21 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган эдилар. Ўзаро социалистик мусобақанинг кенг авж олдирилганлиги, кўп минг килограммчилар ҳаракати кучайтириб юборилганлиги айниқса, меҳнатнинг тўғри ташкил этилганлиги бўлим ишчиларининг катта муваффақиятига гаров бўлди. Ўртоқ Амир Мўминов бошлиқ бўлган бу бўлим кеча пландаги 16 ўрнига гектаридан 21 центнердан пахта топшириб, зималарига олган мажбуриятларини 101 процент қилиб бажардилар.

Азамат пахтакорлар Улуғ Октябрь социалистик революциянинг шонли 40 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида ҳар гектар ердан яна 5 центнердан пахта ҳосили йиғиб-териб олиш учун астойдил курашмоқдалар. Бўлимнинг Ф. Қурумбетова, Б. Оллоберганова, Д. Қурумбетова ўртоқлар каби чевар теримчилари хирмонга ҳар куни 120-150 килограммдан пахта топшириб бу курашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётирлар.

«Ленинизм» колхозининг ўртоқ Й. Бўлсинов бошлиқ бригада аъзолари ҳам йиллик пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Бу бригада 56 гектар ернинг ҳар гектаридан 21 ўрнига 25 центнердан пахта топшири. Бригадада йиғим-терим ҳозир ҳам қизғин давом этмоқда.

Ж. СУЛТОНОВ,

Бўка райони.

Байрам шарафига

Ўртоқ А. Тўраев бошлиқ бригада Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг илғор бригадаларидан бири ҳисобланади. 61 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган бу бригада аъзолари улуғ байрамни муносиб совғалар билан кутиб олиш учун йиғим-теримни янада кучайтириб юбордилар. Улар кунига йиллик планнинг 2,5-3 процента миқдорида пахта тайёрлаётирлар.

Кўпминг килограммчилар ҳаракати тобора авж олдирилмоқда. Ҳозирга қадар хирмонга 4900-5000 килограммдан пахта топширган чевар теримчилардан Меҳри Ҳолтоева, Тошбу Зиёева ва Мунаввар Маҳкамова каби ўртоқлар шу кунларда ҳам жонбозлик билан ишлаб, кунига 190-200 килограммдан пахта теришаяпти.

З. ҚУРТНАЗИРОВ.

Суратларда: (чапдан) 1. Чиноз районидаги Яллама қишлоқ совети ҳузуридаги клуб мудири Т. Дўсонов ҳозиргача 8 тоннага яқин пахта терди. 2. Шу райондаги Оржоникидзе номли колхознинг 15 минг килограммчи теримчиси Т. Мусахўжаева кундалик нормасини ошириб бажармоқда. 3. Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи» колхозида пахта тераётган Ўрта Осиё Политехника институтининг студенткаси М. Носирова кунига 100-120 килограммдан пахта тераётир. М. Устабобоев ва Қ. Аҳмеров фотолари.

Акмал ПЎЛАТ.

ТОШКЕНТ ПАХТАКОРЛАРИГА

Гўзаллик рамзисан азиз Тошкентим,
Иссиқ қўёшингдан шуълалар эмдим.
Меҳрим, жигаримсан, пойтахтимсан,
Туганмас бой ўлкам ёруғ бахтимсан.

Номинг бор ҳар китоб, ҳар бир достонда,
Даврон сур шу ажиб боғу-бўстонда.
Гуллар поёндоздир босган изингга,
Балли, сен ўстирган ўғил-қизингга.

Ялла-қўшиқларинг танни яйратар.
Чаманда ҳар-хониш қушни сайратар,
Тошкентлик пахтакор, аҳдинг мустаҳкам,
Ҳалол меҳнатинг-ла, бўлмайсан ҳеч кам.

Бешюз минг тоннадир бу йил шиоринг,
Унутма, қатъийдир аҳду-қароринг,
Ўтган йил ҳаммани қойил қолдирдинг,
Улоқда беловни дадил солдирдинг.

Бу йил нима бўлди, Тошкентлик ўртоқ,
Номинг аталмоқда нимага қолоқ?
Ҳосил кўп, чорлайди, кёлақол, дейди,
Мени битта қўймай, териб ол, дейди.

Кузнинг ёғинидан мен безорман, дер,
Тезроқ теришингга интизорман, дер.
Нега жим-жит қолдинг Чиноз, Янгийўл?
Бўшанг қадам ташлар ҳамон Мирзачўл.

Октябрь, Боёвут, Бўка, Оққўрғон,
Тезлатинг суръатни, тоғ бўлсин хирмон.
Мусаев, ваъдага бўлингиз содиқ,
Ишлангиз ҳамиша унвонга лойиқ.

Укибоев, Усмонов, Шайхов ўртоқлар,
Теримга ташланди шаҳар, қишлоқлар.
Аммо нега сизлар парвойи палак?
Сизни кутабериб мўл ҳосил ҳалак.

Мажлис, мукофотда сизлар тўрдасиз,
Ҳозир эса нега ора йўлдасиз?
Бу аҳволда қоласизку армонда,
Бўлманг сира эл олдида шарманда.

Биласизки, пахта номус, оримиз,
Пахта, дейди, Ватан, ҳур диёримиз.

Пахта билан эллар обод, юрт обод,
Пахта билан яшнар гўзал, ҳур ҳаёт.

Пахталар чамандек очилган чоғда,
Учюз минг тоннамиз турар чаноқда.
Тошкентлик баҳодир, уста пахтакор,
Элга берган аҳдни унитма ҳеч бор.

Шу кунда қимматли ҳар он, ҳар соат,
Шонли меҳнат қувват, танларга роҳат.
Ҳосилингдан совға ортсин карвонлар,
Мардлигин кўрсатсин марди майдонлар.

Пахтазорда меҳнат, ижод қайнасин,
Ҳар теримчи завққа тўлсин, яйрасин.
Ҳар минутда суръат қўшсин суръатга,
Ҳар колхозчи лойиқ бўлсин ҳурматга.

Меҳнат тери оқсин мисоли маржон,
Шунда бўлур терим иши саранжом.
Илғорлардан яхши ибрат олингиз,
Барча кучни дадил ишга солингиз.

Шу кунлар биз учун катта имтиҳон,
Ғалаба марраси охирги давон.
Соатлар бажарсин кун ишин ҳардам,
Ошингиз тоғларни, кўкка етса ҳам.

Тўй устига тўйлар бўлсин элингда,
Куч ва қувват ошсин яна белингда.
Оналар, сингиллар, ота-оналар,
Ҳеч нобуд бўлмасин нуқра толалар.

Баланд кўтар мусобақа байроғин,
Порлат яна элнинг машъал чироғин.
Ҳамма қойил сизга шаҳарли ўртоқ,
Миннатдор сизлардан обод, ҳур қишлоқ.

Яқин қолди дўстлар, улуғ айёмга,
Муносиб бўлайлик мард деган номга.
Ўзингсан дарёлар тўсган баҳодир,
Мўл ҳосил устаси, ҳар ишга қодир.

Ҳаётинг янада бўлсин фаровон,
Қойилдир ҳамиша бизга кенг жаҳон.
Ғўзаллик рамзисан азиз Тошкентим,
Иссиқ қуёшингдан шуълалар эмдим.

☆

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 24 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
Бўстонлиқ	1,17	73,0
Оржоникидзе	1,04	61,9
Пискент	1,10	57,06
Урта Чирчиқ	1,28	56,68
Юқори Чирчиқ	1,50	54,97
Уртасарой	1,32	52,03
Бекобод	1,68	51,82
Сирдарё	1,45	51,39
Верхне-волинск	1,57	50,52
Бўка	1,12	50,18
Гулистон	1,54	49,96
Янгийўл	1,51	49,11
Оҳангарон	1,27	48,18
Оққўрғон	1,31	47,89
Мирзачўл	1,35	47,08
Октябрь	1,53	45,32
Чиноз	1,49	43,26
Боёвут	1,05	41,28
Калинин	1,10	37,26
Қуйи Чирчиқ	1,05	36,30

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 24 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
6-«Кўкорол»	1,07	88,13
3-«Оҳангарон»	1,00	63,34
4-«Вревский»	1,25	56,04
Киров номли	1,46	54,11
«Пискент»	1,20	53,60
1-«Далварзин»	1,93	53,30
2-«Далварзин»	2,09	49,45
«Социализм»	1,19	48,07
«Чаноқ»	0,83	47,35
«Оққўрғон»	1,39	46,98
«Малик»	1,50	46,95
2-«Оҳангарон»	1,60	45,00
1-«Фарҳод»	0,45	43,52
«Дружба»	0,35	41,55
«Мирзачўл»	1,03	39,61
1-«Оҳангарон»	1,01	38,34
1-«Боёвут»	1,17	37,75
«Гулистон»	1,74	37,13
«ЎзССР беш йиллиги»	1,05	36,30
3-«Боёвут»	1,23	34,95
Булганин номли	0,96	33,35
Бушуев номли	0,56	27,82

Мирзачўлда нега суръат паст?

Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Жўра Эргашев отга миниб, шоштанича идора олдидан ўтиб кетаётганда учрашиб қолдик.

— Ҳорманг, йўл бўлсин?

—4-бригадага,—жавоб берди у,— Ленин номли колхозда ишлаётган студентлардан 80 кишини олиб келдим. Уларнинг қоплари йўқ экан. Пунктга борсам «кечқурун бўлади» дейишди.

— Илгарироқ тайёргарлик кўрилмаган экан-да.

— Бу ёмғир ҳаммани шоштириб қўйди, — деди у отдан туша-туриб. Эргашевнинг бу гапига қараганда колхоз раҳбарлари бир кунлик ёмғирни кўриб, ўзларини йўқотиб қўйганлиги сезилиб турарди.

— 50-55 теримчи ҳар куни 100-200 килограммдан пахта тераяпти. Осим Алиев, Ҳалима Муслимова, Мунисхон Акромова сингари бир қанча теримчилар ҳозиргача 4,5-5 тоннадан пахта теришди, — порторг биз билан суҳбатда кўпроқ ютуқлар ҳақида гапирди. — Терим суръатини тезлаштириш учун ҳамма чораларни кўраяпмиз. Ҳаракатимиз жуда зўр.

Шу пайт 2-МТС партия ташкилотининг секретари, район партия комитетининг вакили ўртоқ Жўра Султонов келиб қолди.

— Келинг, адаш, — деди Жўра Эргашев.

Ўртоқ Жўра Султонов ҳам колхозда пахта теримини кучайтириш учун бутун чора-тадбирлар кўрилганини, кеча-кундуз ҳаракат қилинаётганини, колхозда бу йил мўл ҳосил етиштирилганини, план ортиғи билан бажарилажагини мароқ билан гапира кетди. Ниҳоят у:

— Ишқилиб тўполон қилиб ётибмиз, ҳаммани пахта теримига чиқариб юбордик, — деди.

— Нима учун бўлмаса суръат паст, колхоз районда энг орқада?

— Энди ишимиз юришай деб турганда ёмғир ёғиб қолди-да, бирадар.

Маълум бўлдики, ёмғир тўхтаб, кунлар ёришиб кетганига бир неча кун бўлса ҳам, раҳбарлар кам пахта терилаётганига, суръатнинг пастлигига ҳамон ёмғирни пеш қилиб кўрсатишга уринардилар. Улар «тўполон қилиб ётибмиз», «бутун кучни пахта теримига сафарбар этдик» деб лоф ураётган бўлсалар ҳам, ишда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани суръатнинг пастлигидан кўриниб турарди. Ҳозир ишда гўзл парвариши давридаги сингари ҳарорат, жўшқинлик сезилмаяпти. Аксинча бўшашувчилик, ташкилий уюшқоқсизлик юз бераяпти. Колхоз раҳбарлари ҳам, райком вакили ҳам четдан ёрдамчилар олиб келиш учун жон куйдираётирларку колхоздаги мавжуд ишчи кучларини теримга тўла сафарбар этиш тўғрисида амалий иш қилмаяпти-лар. Улар ўртоқ Жўра Султонов айтгандек, идорада ўтириб, қурук «тўполон қилишдан» нарига ўтмаяптилар.

Василевский номли бу колхозда ёмғир ёққанга қадар 279 колхозчи пахта тераётган эди. Ёмғир тўхтагандан 3 кун кейин эса фақат 200 киши теримга чиқди. Ёрдамчилар билан қўшиб ҳисоблаганда кейинги кунларда 100 га яқин киши теримга қатнашмади. колхоз раҳбарларига бу фактларни кўрсатсангиз, айони дарҳол яна ёмғирга тўпкай бошлайдилар. Кунига 100-200 килограммга етказиб пахта тераётган Алиев, Муслимова, Акрамова сингари илгор теримчиларнинг яхши тажрибаларини кенг ёйишга кам эътибор берилаяпти. Ёрдамга келган студентларнинг унумли ишлари учун уларни қоп-қанор билан тўла таъминламаяптилар. Пахта пунктида 2 мингдан ортиқ қанор, 1000 дан ортиқ этак бўлгани қолда, ўртоқ Эргашев сингари колхоз раҳбарлари «қоп йўқ» деб бекорга от чоптириб юрибди. Бу нарса терим суръатига салбий таъсир қилаётир.

Сўнгги кунларда Мирзачўл районидаги қатор колхозларда ҳам шу каби бўшашувчилик кайфияти сезила бошлади. Ўртоқ Мирзаев раислик қилаётган Ворошилов номли колхозда пахта терувчилар сони ҳозир анча камайиб кетди. Жумладан, 9 октябргача колхозда ҳаммаси бўлиб 505 киши пахта терган бўлса, орадан роса 8 кун ўтгач, ҳаво очилиб, кун исиб турган кунларда 313 киши далага чиқди. Колхозда график бажарилмаяпти. Бу ҳақда ўртоқ Мирзаевга савол берсангиз, у дарҳол «ўзим ҳам тушунмай қолдим, ҳозир графикдан кўпи йўқ, қайси бирига қарашни ҳам билмаймасан киши» дейди. Шунинг учун у сўнгги кунларда ҳеч қанақа графикка қарамай қўйган.

Райондаги бир қатор колхозларда шаҳардан келган ёрдамчиларгагина ишониб, мавжуд ишчи кучларидан унумли фойдаланишга эътибор берилмаяпти. Шунинг натижасида шаҳардан келган ёрдамчиларга нисбатан колхозчиларнинг меҳнат унуми жуда паст. Колхозларга шаҳардан келган ўртоқлар пахта теримида айрим колхозчиларга нисбатан кўп пахта териб қойил қилмоқдалар.

Масалан, Жданов номли колхоз аъзолари бир кунда ўрта ҳисобда 26-31 килограммдан пахта тераётган бўлсалар, шулар билан ёнма-ён туриб ишлаётган Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг студентлари 40-42 килограммдан пахта териб, колхозчилардан ўзиб кетмоқдалар. Бундай ҳол Хрушчев номли, «Ленинизм», «Коммуна» ва бошқа колхозларда ҳам юз бераётир. 1-МТС зонасида колхозчилар ўрта ҳисобда 33-36 килограммдан, студентлар ва шаҳардан чиққан бошқа ёрдамчилар эса 41-42 килограммдан пахта тераётирлар. Район бўйича ҳам айнан шундай ҳол юз бермоқда.

Умуман, Мирзачўл районидаги колхозларда, ёрдамчиларга ишониб, терим суръатини кучайтиришда колхозчиларнинг унумли ишлашларига эришилмаётир. Натижада сўнгги кунларда теримчилар сони ҳам, терилган пахта миқдори ҳам анча камайиб кетди. Илгари район бўйича бир кунда 510 тоннага етказиб пахта терилаётган бўлса, ҳозир аранг 315 тоннага етади. Бунга об-ҳавонинг ноқулай келгани эмас, теримчилар сони камайиб кетгани ва меҳнат унумининг пастлиги сабаб бўлаётир. Ҳозир пахта териб юрган колхозчилардан қарийб 800 киши теримга қатнашмай қўйган. Кўп кишилар ўзларининг шахсий ишлари билан банд.

Район марказида 1-МТС директори ўртоқ Утишев, район халқ судьяси ўртоқ Матхолиқулов билан учрашиб қолдик. Улар пахта нобудгарчилигига қарши кураш бўйича район комиссиясининг аъзоси экан ва ҳозир шу иш билан шуғулланаётган эканлар. Лекин нобудгарчиликка қарши кураш комиссиясининг аъзолари ҳали Булганин номли совхоз билан Золотая Ўрда ўртасидаги катта йўлдан бошқа йўлга ўтмаганга ўхшайдилар. «Гулистон» йўлидан юрган ҳар бир киши не машаққатлар билан терилган қанча-қанча пахта нобуд бўлаётганлигини кўради. Жумладан, бу йўлларда «Мирзачўл» совхозининг 1-бўлими, «Ленинизм», Жданов номли, Ворошилов номли, Оҳунбобоев номли, Ленин номли, Василевский номли, «Коммуна» ва «Октябрь» колхозлари пахта қуритмоқдалар. Лекин кўп жойларда қоплангандан кейин қолган пахталар йиғиб олинмай, ҳашакларга аралашиб ётибди. Айниқса Ўртоқ Аҳмедов раҳбарлик қилаётган «Мирзачўл» совхозининг 1-бўлими, Жданов номли, «Октябрь» колхозлари пахта қуритаётган йўлларда кўплаб пахта нобуд қилинмоқда.

Умуман, Мирзачўл районида терим суръати, теримга қатнашаётган колхозчиларнинг меҳнат унуми паст. Ҳозирги масъулиятли кунларда теримчилар сонини кўпайтириш ўрнига, аксинча камайтириб юборилган. Район раҳбарлари буни ҳисобга олишлари, терим суръатини ошириш чораларини кўришлари керак.

Б. ХАЛИЛОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

СССР халқларининг қардошлик оиласида

Эстон халқининг бахти

А. МЮРИСЕП,
Эстония ССР Министрлар Советининг Раиси

Эстония республикаси меҳнаткашларининг ҳаётидаги барча энг порлоқ саҳифалар Улуғ Октябрь социалистик революцияси билан боғлангандир.

Совет Эстонияси — социалистик қишлоқ хўжалиги юксак даражада ривожланган индустриал республикадир.

Буржуазия ҳукмронлик қилган яқин ўтмишда бу ўлка деҳқончилик мамлакати эди, ажнабий капиталистлар унинг тараққиётини бўғиб қўйган эдилар. Ҳозирги вақтда бизнинг саноатимиз ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни 1940 йилдагига нисбатан тахминан 8 марта кўпайтирди. Экономикани бундай жуда юксак суръатлар билан ривожлантиришни бирорта ҳам капиталистик мамлакат билмайди. Саноат маҳсулотининг халқ хўжалигидаги ҳиссаси 80 процентдир. Саноатнинг сланец ва уни қайта ишлаш, машинасозлик, химия, балиқ, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи тармоқлари айниқса жадал ривожланмоқда.

Биз хилма-хил оғир индустрия маҳсулотларини, халқ истеъмоли моллларини буржуазия давридагига қараганда анча кўп ишлаб чиқармоқдамиз.

Бизда бу йил 8 миллиард сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарадиган 700 га яқин корхона бор. Урушдан сўнгги йилларда тўла равишда тикланган сланец ҳавзаси Совет Иттифоқида қазиб чиқарилаётган барча сланецнинг тўртдан уч қисмини етказиб бермоқда. Бу нодир ёқилғини қазиб чиқариш 1945 йилдагига қараганда 20 марта кўпайди.

Республикамизда электр қуввати ҳосил қилиш 1940 йилдагига нисбатан беш мартадан зиёд кўпайди ҳамда революциядан олдинги Россиядаги барча электростанциялар қувватидан ошиб кетди.

Эстония корхоналарида ишланган балиқ маҳсулотларини Совет Иттифоқининг ҳамма жойларида яхши биладилар. Балиқ саноати бизда муҳим халқ хўжалиги тармоқларидан биридир. Бу, ўз-ўзидан равшан, албатта. Республикамиз ҳамма томондан денгизлар билан ўраб олинган, унинг территориясида жуда кўп кўл ва дарёлар бор.

Эстония қишлоғи тўбдан ўзгарди. Деҳқонларимиз партия кўрсатиб берган коллектив хўжалик йўлига қатъий равишда ўтиб олдилар. Буржуа Эстониясида камбағал ва ўртаҳол деҳқон хўжаликлари ҳонавайрон бўлган бўлса, Совет Эстониясида колхозларнинг даромадлари, колхозчиларнинг фаровонлиги тўхтовсиз ўсиб бормоқда.

Совет ҳукуматининг катта ёрдами туфайли сўнгги беш йил мобайнида 100 минг гектардан кўпроқ ерда мелиорация ишлари амалга оширилди. Бу — ишнинг бошланишидир. Олтинчи беш йилликда 350 минг гектарга яқин ботқоқ ва сернам ерларни қуритиш кўзда тутилади.

Колхоз ва совхозларимизнинг кўпчилиги чорвачилик хўжаликларидир. Бу хўжаликлар сермаҳсул сутли моллар, бўрдоқи чўчқалар боқишга ихтисослашмоқдалар. Ўтган йили колхозларда 1955 йилдагидан 31 минг тонна кўп сут етиштирилди. Энг яхши хўжаликларда ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут 3500-3800 килограммга етди.

Эстония қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Коммунистик партия белгилаб берган вазифани — аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштиришда яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш вазифасини бажариш учун умумхалқ курашига зўр ғайрат билан қўшилдилар. Улар 1960 йилда ҳар бир юз гектар экин майдони ҳисобига 530 центнердан сут ва 80 центнердан гўшт етиштириш мажбуриятини олганлар.

Бизда ҳар йили жуда оммавий ва ёркин қўшиқ байрамлари ўтказилади. Бу байрамларда шод-ҳуррамлик авжга чиқиб, сон-саноқсиз қўшиқлар айтилади. Бахт-саодат ҳар бир меҳнаткашнинг уйини чароғон қилди. Сўнгги йиллар мобайнида республикада аҳоли учун 1 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой қуриб берилди; юзлаб мактаб, касалхона, клуб, халқ уйлари, кутубхоналар очилди. Аҳоли истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқараётган корхоналарнинг қуввати ўсиб бормоқда.

Эстон халқи совет давридагина меҳнат қилиш, дам олиш, илм олиш ҳуқуқига эга бўлди. Республикада чинакам маданий революция амалга оширилди. Китобларнинг нусхаси урушдан аввалги даражадан 4,5 марта ошиб кетди. Олий ўқув юртларимизда 12 минг студент таълим олмоқда. Бу, буржуазия Эстониясидаги студентлар сонидан 3 марта кўпдир. Мактаб ва техникумларда таълим олаётган ўқувчиларнинг сони анча кўпайди. 36 илмий муассасани бирлаштирган Эстония ССР Фанлар академияси тузилди.

Эстон халқининг ҳаёти нақадар фаровон эканлигини кўрсатувчи бир фактни кўрсатиб ўтамиз. Ҳозир республика аҳолисининг табиий ўсиши Эстонияда буржуазия ҳукмронлик қилган даврга нисбатан беш марта кўпдир.

Ёзувчиларимиз, композиторларимиз, рассомларимиз, театр арбобларимиз яратган асарлар совет маданияти хазинасидан фахрли ўрин эгалламоқда.

Улуғ Октябрнинг шонли 40 йиллиги кунларида эстон халқи Ватанга КПСС XX съезднинг қарорларини муваффақият билан бажараётганлиги тўғрисида рапорт бермоқда.

Таллин шаҳридаги Сталин номли марказий майдон. Бу ердаги собиқ бозор ўрнида урушдан сўнгги йилларда ажойиб хиёбон барпо қилинди, серманзара дарахтлар ўтказилди. Суратда: ўртада «Эстония» театрининг биноси кўриниб турибди.

Барча қардош совет халқлари билан биргаликда Совет Эстониясининг меҳнаткашлари тинчлик учун, ўз давлатининг янада гуллаб-яшнаши учун курашмоқда. Эстония меҳнаткашлари Коммунистик партиясининг доно раҳбарлигида, Ленин байроғи остида коммунизм сари шаҳдам қадамлар билан олга бормоқдалар.

Суратда: Республиканинг энг яхши сут соғувчиларидан бири Э. Ряни (Тапас районидаги «Каардивяэлане» колхозидан). Э. Ряни бу йил ҳар бир сигирдан 4166 килограммдан сут соғиб олди.

Суратда: «Қохтла-Ярве» комбинатига қарашли газсланец заводининг камер печлар галереяси.

В. Горбунов фотолари.

Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг корхоналари 10 ойлик планни муддатидан илгари бажардилар

Тошкент иқтисодий маъмурий райони корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора кучайтириб, янги муваффақиятларга эришдилар. Корхоналар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 10 ойлик программасини муддатидан илгари, 22 октябрда муваффақиятли бажардилар.

Йил бошидан бери ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 750 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг корхоналари октябрь ойи охиригача мамлакатга йиллик мажбуриятда кўзда тутилган 200 миллион сўмлик ўрнига пландан ташқари 210 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот берадилар, бу билан улар пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарадилар.

„Пахта учун кураш" газетасининг 25 йиллиги

Пискент район партия комитети ва район ижроия комитетининг органи—«Пахта учун кураш» газетасининг биринчи сони босилиб чиққанига яқинда 25 йил тўлди. Газета ана шу давр ичида ўз саҳифаларида босилган материаллар билан районда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маданиятни юксалтириш ишига катта ҳисса қўшди.

Партия ва Ҳукуматимиз район газетасининг хизматларини эътиборга олиб, газета ходимлари ва қишлоқ мухбирларидан 11 кишини Фахрий ёрлиқ билан мукофотлади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлигини олишга сазовор бўлганлар орасида газета редактори Н. Бекназаров, «Пискент» совхозининг ишчиси О. Эшонқулов, шунингдек қишлоқ мухбирларидан А. Ниёзов, ҳарф терувчи С. Маъруфхонова ўртоқлар бор.

Оҳангаронда янги газета

Оҳангарон ГРЭС қурилишида «Энергетик» номли кўп тиражли газета чиқа бошлади. Газетанинг биринчи сонида кўпгина қурувчиларнинг хабар ва мақолалари босилган. Улар Октябрнинг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада актив қатнашиб, олган мажбуриятларини қандай бажараётганликлари ҳақида ҳикоя қиладилар. Қурувчилар коллективи станциянинг биринчи агрегат қурилишини 25 октябргача тамомлаш ва улуғ байрам кунигача саноат корхоналари учун дастлабки электр қуввати бериш учун курашмоқда.

Газета ҳар ойда уч марта чиқиб туради.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТНИНГ ХАЛҚ ҲАЁТИ БИЛАН АЛОҚАСИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК!

Халқимизга муносиб спектакллар яратайлик

Шу кунларда пойтахтимиздаги ижодий ташкилотларнинг партия йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Ёзувчилар ва санъаткорлар бу йиғилишларда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлайлик» сарлавҳали мақоласини муҳокама қилмоқдалар, партиямизнинг бу муҳим ҳужжатини адабиёт ва санъатимизни янада ривожлантиришнинг программаси эканлигини таъкидлаб ўтмоқдалар, шу билан бирга ўзларининг ижодий ишларидаги ютуқ ва камчиликларни кўрсатиб, партиямиз томонидан ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажариш тадбирларини белгилаб чиқмоқдалар.

Яқинда Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат опера ва балет театрининг очиқ партия йиғилишида партиямизнинг адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги янги ҳужжатини ўрганиш ва театр ижодий коллективининг вазифалари масаласи муҳокама қилинди. Йиғилишда доклад қилган Ўзбекистон ССР Маданият министри ўртоқ С. Ё. Азимов партиямизнинг ёзувчилар ва санъаткорларнинг ижодий ишларига катта эътибор бериб келаётганлиги, халқимизга муносиб, юксак бадиий асарлар, спектакллар яратиш адабиёт ва санъат ходимларининг энг муҳим вазифалари эканлиги ҳақида сўзлади.

Йиғилишда сўзга чиққан СССР халқ артисти Ҳалима Носирова партиямизнинг «Адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлайлик» деган ҳужжати ёзувчилар ва санъаткорлар олдига ижодий маҳоратни ошириш вазифасини қўйганлигини айтиб, театр коллективи ишидаги камчиликларни кўрсатиб ўтди. Театрда янги репертуарларни қабул қилишда бир ёқламаликка йўл қўйилмоқда, бундай муҳим ижодий ишга фақат раҳбар ходимлар қатнашиб келмоқда. Ёш артистларни тарбиялаш ва уларга тажрибали санъаткорларни биркитиш ва тажриба ўргатиш ишлари яхши олиб борилмаётир.

Музаффар Муҳаммедов театрда танқид ва ўз-ўзини танқид кучайтирилмаганлигини, артистлар томонидан ижодий план ва репертуарлар ҳақидаги таклифлар оқибатсиз қолиб кедаётганлигини айтди. Театрда репертуар планлари бажарилмайди, янги спектакллар тез-тез кўрсатиб турилмайди. Бунинг оқибатида тамошабинлар театрга кам келмоқдалар. Бу аҳволни театр раҳбарлари эътиборга олишлари, тамошабинларга ҳозирги замон темаларида яратилган янги спектакларни кўрсатишлари керак.

Артист А. М. Овчинников театр репертуарларининг камбағаллигини, тамошабинларни қизиқтирувчи, халқимизнинг юксак талабларига жавоб берадиган асарлар тамошабинларга кўрсатилмаётганлигини айтди.

Ёш артист А. Азимов театр коллективи 1958 йилда Москвада бўладиган ўзбек санъати ва адабиёти декадасига қониқарсиз тайёгарлик кўраётганлигини танқид қилди. Театр ёзувчилар ва композиторлар билан мустаҳкам алоқада эмас. Ижодий ҳамкорлик бўлмаганлиги натижасида театр учун мўлжалланган асарларни тамомлаш ва тамошабинларга кўрсатиш йилдан-йилга кечиктирилиб келмоқда. Азимов композитор Мутал Бурхоновни танқид қилди, унинг «Жамила» операси бир неча йилдан буён битмаётганлигини, бу асарни тезроқ ёзиб тамомлаш ва тамошабинларга кўрсатиш чораларини кўриш лозимлигини айтди.

Музокарага чиққан бошқа ўртоқлар ҳам партиямизнинг адабиёт ва санъатимизни янада ривожлантириш ҳақидаги янги ҳужжатини қизғин маъқуллаб, театр ишини жонлантириш, артистлар маҳоратини ошириш, тамошабинларга замонавий темалардаги янги репертуарларни тез-тез кўрсатиб туриш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Лекин, партия йиғилишида театр коллективининг ижодий фаолияти ҳар томонлама муҳокама қилинмади, спектакларнинг савияси, ижодий маҳоратни ошириш, ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш ҳақида конкрет таклифлар бўлмади. Йиғилишга театр коллективининг кўпчилиги қатнашмаганлиги ҳам театрда меҳнат интизоми бўшашиб кетганлигини, ижодий ишга бефарқ қаровчи кишилар борлигини кўрсатади.

Навоий номли театр коллективи партиямизнинг янги ҳужжати муносабати билан ўз ишини қайтадан кўриши, ижодий маҳоратни ошириб, халқимизга муносиб опера ва бошқа саҳна асарларини яратиши керак.

Санъаткорлар пахта далаларида

Янгийўл область музикали драма театрининг артистлари пахта далаларига чиқиб, теримчиларга маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Театр артистлари яқинда Андижон ва Фарғона областларининг бир қатор колхозларида гастролда бўлдилар. Улар бир ярим ой давомида пахтакорларга 45 марта тамоша кўрсатдилар. Шу кунларда театр коллективи Тошкент области районларида гастроль тамошаларини кўрсатмоқда.

Театр репертуаридаги «Ўйғониш», «Совчилар» спектакллари ҳам пахтакорларга намойиш қилинади.

А. Межиковская.

* * *

Оҳангарон район маданият уйи қошидаги бутунлай ўзгариб кетди. Даромадга қараб буромад деганларидек, янги клуб, идора, ўрта мактаб, амбулатория, сельмаг ва чорвачилик бинолари қурилди. Колхозчиларнинг кўпи янги уйларга кўчиб кирди, колхоз қишлоғи ёппасига электрлаштирилди. Қишлоқ билан бирга унинг кишилари ҳам ўсди, улғайди. Колхозчи йигит-қизлардан агрономлар, врачлар, зоотехниклар ва ўқитувчилар етишиб чиқди. Кўзлик деҳқон Ҳайитбой ота раислик қилаётган бу колхоз картошка, сабзавот, полиз экинларидан юқори ҳосил етиштириш ва чорвачиликни ривожлантиришда областимиздаги илғор колхозлар қаторига чиқиб олди.

Кутилмаганда уруш бошланиб кетди. Колхозда асосий куч хотин-қизлар, кексалар ва болалар бўлиб, фронтга кетган азамат йигитларнинг кетмони ўшалар қўлида қолган эди. Ота ёши қайтиб қолганига қарамай, уруш йилларида ҳам ўзининг ҳақиқий ташкилотчилик қобилиятини кўрсатди. Каттани ота, кичикни болам-бўтам деб кўнглини овлади. Отанинг ўзига ҳам осон бўлгани йўқ. Фронтга жўнатган уч ўғлидан иккиси ҳалок бўлгани ҳақида хабар келди. Бағри тилкапора бўлиб кетди, яширқча уф тортди, кўз ёши қилди. Лекин у яна ҳам ғижиниброқ жон-жаҳди билан ишлади. Партия ва ҳукуматимиз унинг хизматларини муносиб тақдирлаб, «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотлади.

1948 йилда Ҳайитбой ота кексалик пенсиясига чиқди. Шундай бўлса ҳам ҳозир колхоз правлениесининг аъзоси, ғаллачилик бригадасининг бошлиғи бўлиб ишламоқда. Ота ҳеч нарсага муҳтож эмас. Унинг ўғил-қизлари ва невералари бор. Давлатдан 800 сўм шахсий пенсия олиб туради.

Ҳурматли Ҳайитбой ота! Ҳозир 65 ёшдасиз. Яна шунча йил умр кўринг, ундан ҳам кўпроқ яшанг. Сизни ҳамда оилангизни Улуғ Октябрнинг шонли 40 йиллиги арафасида чин юракдан табриклаймиз ва қутлаймиз.

А. ШЕРМУҲАМЕДОВ.

РЕВОЛЮЦИОН ЎТМИШИМИЗ САҲИФАЛАРИДАН

Ҳайитбой оқсоқол

Шу ном билан шуҳрат қозонган ота бу йил тугал 65 ёшга кирди. Лекин у ҳали тетик, бардам-бақувват одам. Ҳайитбой отанинг бутун қиёфаси — энлик қошлари остидаги меҳрибонлик акс этиб турган чуқур ифодали мовий кўзлари, қирра бурни, бироз чўзинчоқроқ келган юзлари ва полвонларникидек сингари келишган миқти гавдаси айниқса жазб этувчандир. Каттакичикнинг самимий ҳурматига сазовор бўлган бу қарияни яхшироқ англамоқ учун унинг ҳамиша кулиб турган ана шу равшан кўзларига, оҳори тўкилмаган нуроний юзларига бир лаҳза боқишнинг ўзи кифоя.

Отадан 7 яшарлигида етим қолиб, революциягача муштипар она билан катта муҳтожликда яшаган, 1917 йил Октябрь кунлари ва граждан уруши йилларидаги даҳшатли жанглар, ҳаяжонли дақиқаларнинг жонли гувоҳи бўлган, ўзи ҳам кураш ва ғалабаларимизнинг оғир, айни вақтда шонли йилини босиб ўтган бу кекса коммунист билан суҳбатда бўлиш жуда мароқлидир. Агар қирқ йил мобайнида бўлиб ўтган воқеалардан сўз очсангиз, Ҳайитбой ота қизғин баҳсга киради. Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг нурли истиқбол йўлларини батафсил баён қилиб беради.

Биз Ҳайитбой ота оиласи яшаб турган каттакон ҳовлида, чолкампир учун янгидан қурилган уйнинг ҳоналаридан бирида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Хона ҳар жиҳатдан мукаммал жиҳозланган ва саранжом ясатилган. Тўрда Иттифоқимиз оқсоқоли Михаил Иванович Калинин билан Ҳайитбой ота Катта Кремль саройида бирга тушган фотосурат зарҳал рамка ичида осиғлиқ турибди. Бу расмга ота 1925 йилда СССР Советлари III съездига делегат бўлиб борганида тушган эди. Съездда у СССР Марказий ижроқомига аъзо бўлиб ҳам сайланган. Ҳайитбой ота бу расмни энг қимматли ёдгорлик сифатида сақлаб келмоқда.

Ўтмишнинг жабр-жафосини эслаш қанчалик оғир бўлса, революцион жанглар, ғалаба учун курашган йилларни хотирлаш кўнгилга шунчалик хуш келади.

Мана, қаршимизда чордона қуриб ўтирган ота ҳамма нарсани унутди-да, бир нафас ўй суриб кетди. Балки у шу тобда минг тўққизюз ўн еттинчи йилнинг кеч куз пайтини эслаётгандир. Бу вақтда Ҳайитбой 25 яшар навқирон бир йигит эди. Ленин ва революция ҳақидаги гап-сўзларни биринчи марта эшитиши биланоқ, юрагида ғайрат қўр олиб ётган ва миллионлар қатори кўкрагига ҳуррият шабадаси теккан Ҳайитбой ўзи туғилиб ўсган ҳозирги Тошкент районидаги Белтепа қишлоғидан шаҳарга қараб йўл олди. Қарасаки, бу ерда ишчиларнинг қўли баланд, ҳамма иш тевасида ўшалар. Революция ғалабаси ҳақидаги хушхабардан кўпларнинг боши осмонга етган. Ҳайитбой таниш-билишларнинг маслаҳатини олди ва сира иккиланиб турмасдан пахта заводига оддий ишчи бўлиб кирди. Кейинчалик юк ташувчилар бригадасига бошлиқ бўлди. Заводдаги илғор рус ишчиларидан кўп нарсаларни ўрганган Ҳайитбой ўша вақтдаёқ ўзининг яхши ташкилотчи эканлигини кўрсатди.

— Укам, мен сенга айтсам, — деди у кенг ягринли йўғон гавдасини ростлаб, — ишчи деганинг бошқалардан кўра ақли-ҳуши жойида, довюракли, ишбилармон тойифа бўлар экан. Революция душманларига қарши кўкрагини қалқон қилиб, олдинги сафда борганлар ҳам, биз ўзбек ишчиларига йўл-йўриқ кўрсатган ҳам ана шу рус ишчилари бўлди.

1919 йилнинг қиш пайти. Қалин қор ташлаб турибди. Осипов бошчилигидаги контрреволюцион кучлар исён кўтарди. Ўша вақтда ҳозирги биродарлар мозорига яқин ерда жойлашган пахта заводи ишчилари билан исёнчилар ўртасида қуролли тўқнашув бўлди. Завод ишчилари зўр сабот ва матонат билан қаттиқ туриб жанг қилдилар. Тез орада темир йўлчилардан иборат қизил гвардиячилар отряди ёрдамга етиб келди. Отишма яна бир неча соат давом этди, қурбонлар ҳам берилди. Пировард оқибатда хоинлар тор-мор келтирилди. Ҳайитбой ота ўзи қўлига қурол олиб қатнашган бу воқиани ҳозир ҳам аниқ тасаввур этади ва майда-чуйда тафсилотларигачa сўзлаб беради.

Кўпни кўрган ота кексаларга хос донолик билан сўзлар ва унинг ҳар бир иборасини осонлик билан пайқаб олса бўларди.

— Шундай, — деди у гўё чала қолган гапини давом эттиргандай, — бу гапларнинг ҳаммаси айтишгаа осон, аммо лекин аҳвол оғир эди ўша кезларда. Қишинчилик аҳлининг қайроғи деганларича бор экан. Кўпчиликнинг кўзи очилди, дўст ким, душман ким ажратиб оладиган бўлиб қолдик. Шуниям айтайки, ҳар сафар Ленин номини эшитганимизда, партиянинг раҳбарлигини ҳис этганимизда дилимиз равшан тортиб кетарди.

1920 йил. Революция ҳукми қишлоқларда ҳам шиддат билан кезиб юрибди. Ҳайитбой ўша йили кўклам кезларида, бойларнинг қўлидаги ерлар тортиб олиниб, қишлоқ камбағалларига бериляпти, деган хушхабарни эшитди. У завод маъмуриятидан рухсат олиб, ўз ота қишлоғига жўнади, бориб кўрса қишлоқ алғов-далғов. Шаҳардан комиссия келибди. Бойлар осонликча жон бермоқчи эмас, камбағалларга зўр бериб қаршилик кўрсатишаяпти. Қишлоқ активлари бойларнинг яширган ерларигача комиссия аъзоларига кўрсатиб беришибди. Ҳайитбой қишлоқ камбағалларига бош-қош бўлди. Неъматулла бойдан тортиб олинган 30 гектар ерда шеркат тузилди. Шеркат бир неча йил мобайнида Тошкент шаҳар ишчи озиқ-овқат комитетини картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаб турди. Ер ислоҳоти бошлангандан кейин шеркат фойдаланиб келган ер унда ишлаганларга тақсимлаб берилди.

Ҳайитбой ака 1927 йилдан то 1930 йил колхоз тузумига қадар катта Калковуз ва Назарбек ариқлари бўйича бош мироб-оқсоқол бўлиб ишлади. Ўша вақтдан буён ҳамма уни «Ҳайитбой оқсоқол» деган ном билан атайдиган бўлди.

Отанинг махсус бир папкада эҳтиёт сақланиб келаётган жуда кўп ҳужжатлари бор. Уларни кўздан кечирар экансиз, бу табаррук чолнинг фаолияти бутун борлиги билан намоён бўлади: 1924 йилда Сирдарё областидан XII бутун Туркистон шўролар съездига, ўша йили РКП(б) бутун россия XIII съездига делегат ва бу съездда партия контроль комиссиясига аъзо бўлиб сайланган, 1924-1927 йилларда Тошкент эски шаҳар Советининг, 1924-1925 йилларда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети ва Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг аъзоси бўлиб турган. 1925 йилда РКП(б)нинг XIV съездига делегат қилиб сайланган.

Ҳайитбой ота Калинин билан Тошкентда ва Москвада бир неча бор учрашганини ҳозир жуда аниқ ва равшан хотирлайди.

— Москвага борганимизда Ўзбекистон оқсоқоли марҳум Йўлдошбой Охунбобоев иккимиз ҳар гал Калинин ҳузурида бўлардик, У бизга: «Янги йўллар очинглар, каналлар қазинглар, қишлоқ бой, деҳқонлар бадавлат ва маърифатли бўлсалар, социализм қуриш осонроқ бўлади», деб маслаҳат берарди. Сўнгра у «Ўрта деҳқонни ўзларингдан қочирманглар» деб қайтақайта тайинларди. Тўғрисини айтганда, мен у вақтда ўрта деҳқонни яхши тушунмас эканман. Нега бундай дейди десам, ўрта деҳқонда гап кўп экан. Ахир колхоз тузганимизда от-улови билан қийин кунимизга ўшалар яради-да.

Ҳайитбой ака колхоз тузилиши йилларида ўз атрофига қишлоқ активларини тўплади, ташкилотчилик қилди. У камбағалларнинг йиғинларида гарчи содда бўлса-да қизғин, жозибали нутқ сўзларди, коллектив хўжаликнинг афзаллигини тушунтиради, қулоқларнинг кирдикорларини аёвсиз фош этиб ташларди. Қулоқлар эса хуружга минган эдилар. Қишлоқда Тўхтабойвачча, Раҳимжонбойвачча ва Неъматулла бой деганлар бўларди. Улар деҳқонларга «колхозга кирманглар, бор-йўқларингдан ажраласанлар, хотинларингниям қўшаман десаларинг колхоз бўлинглар» деб тескари ташвиқот қилардилар. Деҳқонлар эса Ҳайитбой оқсоқолни севар ва ўз кишимиз деб биларди. Шунинг учун ҳам у қулоқлар қаршилиги олдида умидсизланмади, кўз олдида кўпчилик кўмакдош бўлиб турганини кўрди, райкомдан мадад олиб турди, қишлоқ партия ячейкаси ҳисобидаги Қиқмат Шобобоев, Аҳмад Мирсаидов, Хўжамберди Эшмуҳамедов, Мирзаҳмад Холиков, Тиловбердиохун Меҳмонов, Ҳожар Мирсолихова каби ўнлаб коммунистларнинг ёрдамига таяниб, колхоз тузиш учун дадил ҳаракат қилаверди. Ниҳоят 1930 йилда колхоз тузилди. Унга «Ўзбекистон» деб ном беришди. Колхозчилар Ҳайитбой Тошмуҳамедовни ўзларига раис қилиб сайладилар.

1935 йилнинг январи. Чигатой Оқтепа қишлоғидаги қўшни Ленин номли колхозда ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлди. Колхозчилар «Ҳайитбой оқсоқол бизга раис бўлсин» деб талаб қилишди. Шу йиғиннинг ўзида оқсоқол бир оғиздан колхоз раислигига сайланди. Бу катта колхоз у раис бўлган йилларда гуркираб ўсиб кетди, ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланди.

Ўша йиллари колхоз правление идораси омонатгагина турган икки хоналик кўримсиз бир бино эди. Кейинчалик колхоз қишлоғининг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Даромадга қараб буромад деганларидек, янги клуб, идора, ўрта мактаб, амбулатория, сельмаг ва чорвачилик бинолари қурилди. Колхозчиларнинг кўпи янги уйларга кўчиб кирди, колхоз қишлоғи ёппасига электрлаштирилди. Қишлоқ билан бирга унинг кишилари ҳам ўсди, улғайди. Колхозчи йигит-қизлардан агрономлар, врачлар, зоотехниклар ва ўқитувчилар етишиб чиқди. Кўзлик деҳқон Ҳайитбой ота раислик қилаётган бу колхоз картошка, сабзавот, полиз экинларидан юқори ҳосил етиштириш ва чорвачиликни ривожлантиришда областимиздаги илғор колхозлар қаторига чиқиб олди.

Кутилмаганда уруш бошланиб кетди. Колхозда асосий куч хотин-қизлар, кексалар ва болалар бўлиб, фронтга кетган азамат йигитларнинг кетмони ўшалар қўлида қолган эди. Ота ёши қайтиб қолганига қарамай, уруш йилларида ҳам ўзининг ҳақиқий ташкилотчилик қобилиятини кўрсатди. Каттани ота, кичикни болам-бўтам деб кўнглини овлади. Отанинг ўзига ҳам осон бўлгани йўқ. Фронтга жўнатган уч ўғлидан иккиси ҳалок бўлгани ҳақида хабар келди. Бағри тилкапора бўлиб кетди, яширқча уф тортди, кўз ёши қилди. Лекин у яна ҳам ғижиниброқ жон-жаҳди билан ишлади. Партия ва ҳукуматимиз унинг хизматларини муносиб тақдирлаб, «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотлади.

1948 йилда Ҳайитбой ота кексалик пенсиясига чиқди. Шундай бўлса ҳам ҳозир колхоз правлениесининг аъзоси, ғаллачилик бригадасининг бошлиғи бўлиб ишламоқда. Ота ҳеч нарсага муҳтож эмас. Унинг ўғил-қизлари ва невералари бор. Давлатдан 800 сўм шахсий пенсия олиб туради.

Ҳурматли Ҳайитбой ота! Ҳозир 65 ёшдасиз. Яна шунча йил умр кўринг, ундан ҳам кўпроқ яшанг. Сизни ҳамда оилангизни Улуғ Октябрнинг шонли 40 йиллиги арафасида чин юракдан табриклаймиз ва қутлаймиз.

А. ШЕРМУҲАМЕДОВ.

Ҳайитбой Тошмуҳамедов билан М. И. Калинин 1925 йилда Кремлда.

Жонли ташкилотчилик иши— муваффақиятларимизнинг гаровидир

Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхоз бошланғич партия ташкилотининг пахта йиғим-терими давридаги иш тажрибасидан

☆

Планни улуғ байрамгача бажарамиз

Йиғим-теримни бошлаш олдидан колхоз партия ташкилоти ва правлениеси бригадаларо социалистик мусобақа илғорлари учун кўчма Қизил байроқ ташкил этди. Уни қўлга киритиш учун бригадалар ўртасида кураш бошланди.

Социалистик мусобақада ғолиб чиқиш учун ишни тўғри ташкил этиш, терим суръатини кун сайин ошириш лозим эди. Шу мақсадда бригада аъзолари билан йиғилиш ўтказдик, теримни тўғри ташкил қилиш йўлларини белгилаб олдик. Ҳар бир колхозчининг жойи ва вазифаси аниқланди. Улар ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар ва менга Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги кунигача давлат пахта тайёрлаш планини тўла бажаришга аҳд қилганликларини партия ташкилотига етказишни топширдилар.

Терим график асосида ташкил қилинди. Бу, меҳнат унумдорлигини оширишда катта роль ўйнади. Бундан ташқари, дала шийпонида кўчма ясли ташкил этилганлиги, колхозчилар муттасил иссиқ овқат билан таъминланаётганлиги ҳам терим суръатини кун сайин ошириш имконини бераётир.

Бригада аъзолари ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар. Уларнинг ярмидан кўпи мавсумда 10-15 тонна пахта териш юзасидан мажбурият олган М. Тайлақова, Т. Тўлаганова, К. Юсупжонова, М. Йўлдошева, Г. Рўзиматова ўртоқлар дастлабки кунларидан бошлабоқ кунлик нормани икки-икки ярим баравар ошириб бажара бошладилар. Уларнинг ҳар бири ҳозирнинг ўзидаёқ 7-8 тоннадан пахта терди.

Бригада аъзоларининг уюшқоқлик билан ишлаши натижасида шу кунгача планни 80 процентдан ошириб қўйдик. Бригадаларо социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, кўчма Қизил байроқни кўпдан бери ўз қўлимизда сақлаб келмоқдамиз.

Ҳозир ҳар куни давлатга йиллик планнинг 3 проценти миқдорида пахта топширилаётир. Бригада аъзолари улуғ байрамни планни тўла бажарган ҳолда кутиб олиш ҳақидаги ўз ваъдаларининг устидан чиқадилар.

У. НОРМАТОВА,
1-бригада бошлиғи.

Деворий газетанинг янги сони чиқарилди.

Колхоз партия бюросининг секретари ўртоқ **И. Ойтўраев** 1-бригада бошлиғи ўртоқ **У. Норматовага** кўчма Қизил байроқни топширмоқда.

Илғорлар методини оммалаштириш—муҳим вазифа

Колхоз партия ташкилоти йиғим-теримни бошлаш олдидан барча куч ва имкониятларни ҳисоблаб чиқди. Иш планли асосда ташкил этилди. Асосий эътибор ҳар бир бригадада терим графигининг муттасил бажарилишини таъминлашга қаратилди.

Йиғим-теримнинг дастлабки кунларида иш кўнгилдагидек кетаётганга ўхшаб туйилди. Аммо сентябрнинг охирига келиб айрим бригадалар орқада қолабошлади. Мисол учун, ўртоқ Баҳром Юсупжонов бошлиқ 4-бригадада ана шундай аҳвол юз берди. Бригадада бир кунда тайёрланаётган пахта йиллик планнинг 1,5 процентидан ошмас эди.

Бу ерда теримчилар учун ҳамма шароитлар яратиб берилган. Яхшигина жиҳозланган дала шийпони ҳам бор. Кўчма ясли ташкил этилган. Теримчилар иссиқ овқат билан таъминланади. Шунга қарамай, терим суръатида ўзгариш ясаш қийин бўлди.

Маълум бўлишича, теримчиларнинг бир қисми кунлик терим нормасини бажармас экан. Текширишда илғор бригадаларда ҳам ана шундай теримчилар борлиги, график асосан пешқадам теримчилар ҳисобига бажарилаётгани аниқланди. Йиғим-теримга сафарбар этилганлар орасида кўпчилиги ўтган йиллари ҳам пахта терган ва яхши тажриба орттирган кишилар билан бир қаторда, тажрибасиз, шу жумладан анчагина ёшлар ҳам бор эди.

Биз партия бюросида йиғим-терим суръатини ошириш учун теримчилар ўртасида барча чоралар билан меҳнат унумдорлигини кўтариш, бунинг учун илғор теримчиларнинг методини кенг оммалаштириш лозим, деган қарорга келдик.

Партия бюросининг топшириғига мувофиқ агитаторлар илғор теримчиларнинг тажрибасини ўргандилар, уни колхозчилар ўртасида суҳбат ўтказганларида кенг пропаганда қилдилар.

Тўртинчи бригаданинг илғор теримчиси комсомол аъзоси ўртоқ Маъруф Бариев бу йил 15 тонна пахта териш юзасидан мажбурият олган. У ҳар куни 260-280 килограммдан пахта тераётир ва ҳозиргача хирмонга 7 тоннадан ортиқ пахта топширди.

Бригада агитатори коммунист ўртоқ Турди Саидаҳмедов бригада аъзолари ўртасида ўртоқ Бариевнинг методи ҳақида бир неча бор суҳбат ўтказди. Дала шийпонида чиқарилган «Жанговар варақа»да бу илғор теримчининг тажрибаси ёритилди. Тез орада бригадада илғор теримчиларнинг сони кўпайди, бригада аъзоларининг кўпчилиги нормани ошириб бажара бошлади. Ўктам Ғойибназарова, Равза Холмирзаева, Саодат Назарматова ва бошқа ўртоқлар ҳозир кунига 180-200 килограммдан пахта тераётирлар.

Бу тадбир бригадада пахта териш суръатини ошириш имконини берди. Ҳозир ҳар куни планнинг 2,5-2,8 проценти миқдорида пахта тайёрланаётир. Бригада илғорлар қаторига етиб олди.

Биз илғор теримчиларнинг бошқаларга ўз тажрибасини ўргатишини ташкил этдик. 1-бригада аъзоси Тайлақова, 6-бригада аъзоси Байталиева, 8-бригада аъзоси Бекбоева ва бошқа ўртоқлар кўпгина теримчиларга ўз методларини ўргатдилар.

Илғорлар тажрибасини пропаганда қилишда кўргазмали агитация, деворий газета, «Жанговар варақа» ва радиодан кенг фойдаланмоқдамиз.

Коммунист ўртоқ Ғулжой Норматова бошлиқ 1-бригада бригадаларо социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, колхоз партия ташкилоти ва правлениесининг кўчма Қизил байроғини олгач, бригадада пахта йиғим-терими қандай ташкил этилганлиги колхоз деворий газетасида кенг ёритилди. Ўртоқ Норматова бу ҳақда радио орқали сўзлаб берди.

Колхозда пахта териш ва тайёрлаш суръати кун сайин кучаймоқда. Ҳозир ҳар куни йиллик планнинг 2,5-2,8 проценти миқдорида пахта тайёрланаётир. Бу соҳада партия ташкилоти амалга ошираётган ташкилий ва оммавий-сиёсий тадбирлар ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

И. ОЙТЎРАЕВ,
колхоз партия бюросининнг секретари.

☆

Коммунист меҳнатда намуна кўрсатиши керак

Шу кунларда колхоз қишлоғи меҳнаткашларининг бутун фикр-зикри йил бўйи тер тўкиб етиштирилган мўл ҳосилни тез ва нобуд қилмай йиғиб-териб олишга қаратилган. Шу мақсадда пахта далаларида социалистик мусобақа тобора кенг қизитилаётир. Улуғ Октябрь шарафига олинган юксак мажбуриятни бажариш учун кураш ўзининг ҳал қилувчи палласига яқинлашмоқда. Ана шу масъулиятли даврда қишлоқ коммунистлари пахта теримида бевосита иштирок этиб, социалистик мусобақа илғорларининг олдинги сафида боришлари, кўпминг килограммчилар ҳаракатига бошчилик қилишлари керак. Мен коммунистнинг бурчини ана шундан иборат деб тушунаман.

Ўтган йили мавсумда 8 тонна пахта терган эдим. Бу йил эса кўпминг килограммчилар ҳаракатига қўшилиб 15 минг килограмм пахта териш юзасидан мажбурият олганман.

Коммунист бўлганим учун партия ташкилотига колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйишда ёрдам ҳам беришим керак. Ҳозирги паллада теримчилар ўртасида меҳнат унумдорлигини ошириш, бунинг учун илғор теримчилар тажрибасини оммалаштириш колхозчилар ўртасисида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларнинг асосини ташкил этади. Шунинг учун ҳам мен ҳар куни 180-200 килограмм пахта териш билан бир қаторда, тушки дам олиш пайтида бригада аъзоларига қандай қилиб кўп пахта териш мумкинлиги ҳақида сўзлаб бераман, уларни илғор теримчиларнинг бу соҳадаги тажрибаси билан таништираман. Бу иш мен учун жуда ўнгай. Чунки ўзим бевосита ҳар куни теримчилар ўртасида бўламан, илғорларнинг иш методидан ҳаммадан кўпроқ хабардор бўлиб бораман.

Ҳозирнинг ўзидаёқ терган пахтам 8 тоннадан ошди. Олган мажбуриятимни албатта бажараман.

Н. САНДИБОЕВА,
7-бригада аъзоси.

Колхоз почтальони дала шийпонига газета келтирди.

В. Салов фотолари.

АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ГЎШТ, ЁҒ ВА СУТ ЕТИШТИРИШ СОҲАСИДА ЯҚИН ЙИЛЛАР ИЧИДА АМЕРИКАҚЎШМА ШТАТЛАРИГА ЕТИБ ОЛАЙЛИК!

Чорва маҳсулоти кўпаймоқда

Партия ва ҳукуматимизнинг сут, гўшт, ёғ етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш тўғрисидаги топшириғига амалий иш билан жавоб бериш учун курашаётган Тошкент районидаги «XX партсъезд» колхозининг чорвадорлари сут соғиб олишни тобора кўпайтирмоқдалар. Бу ерда жайдари сигирлардан ҳам кўплаб сут соғиб олинаяпти. Колхоз чорвадорлари бундай ютуқларга сигирларга бериладиган ем-хашак рационлари турини кўпайтириш, шунингдек молларни зоотехника қоидалари асосида парвариш қилиш туфайли эришмоқдалар.

Биз колхозда бўлиб, сут соғувчиларнинг иши билан танишганимизда, фермадаги ҳар бир соғин сигирга кунига қанчадан ем-хашак берилаётганлиги билан ҳам қизиқдик. Маълум бўлишича, бу ерда ҳар бир сигир кунига 40 килограмм кўк беда, 4 килограмм картошка, 1,5 килограмм кунжара, 15 литр барда суви билан боқилар экан.

— Сигирларни ўз вақтида парвариш қилиш билан бирга уларни вақт-вақти билан прогулкага олиб чиқиб туриш ҳам катта аҳамиятга эга, — дейди ферма мудири.

Барча сут соғувчилар бу қоидага қатъий амал қилиб, ҳар куни белгиланган вақтда сигирларни прогулкага олиб чиқадилар.

Колхоз аъзолари бу йил мавжуд соғин сигирларнинг ҳар биридан камида 1400 килограммдан сут соғиб олишга сўз берганлар. Чорвадорлар бу мажбуриятни шараф билан бажариш учун курашиб, катта ютуқларни қўлга киритдилар. Ҳозирга қадар ҳар бош сигирдан 1735 килограммдан сут соғиб олинди. Моҳир сут соғувчилардан Хидиргул Қаршибоева айниқса яхши натижаларга эришмоқда. У ўз боқимидаги 14 бош соғин сигирдан ҳаммаси бўлиб ҳозиргача 32.997 килограмм сут соғиб олди ва мажбуриятини шараф билан бажарди. Колхозда бундай илғор сут соғувчилар кўп.

Колхоз чорвадорлари силос бостириш ва бошқа ем-хашак тайёрлаш ишига ҳам катта эътибор бераётир. Ҳозирга қадар 900 тонна силос бостирилиб, 950 тонна беда

ва 130 тонна хашак, шунингдек 90 тонна сомон жамғариб қўйилди.

«XX партсъезд» колхозининг аъзолари чорвачиликни йилдан-йилга ривожлантириш учун курашиб, барча зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар.

М. СОЛИХОВ.

Суратда: илғор сут соғувчи Хидиргул **Қаршибоева.**

Чўчқачиликни ривожлантириш ҳисобига гўшт етиштириш кўпайиб бормоқда

Гулистон районидаги Фрунзе номли колхозда чўчқачилик хўжаликнинг сердаромад тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Колхозда 1955 йилда 3 она чўчқа сотиб олинган эди. Бу она чўчқалар шу соҳани яхши билган Т. Черепанова ва П. Черепановлар томонидан яхши парвариш қилиниб, 2-3 йил ичида уларнинг сони кўпайтирилди ва маҳсулдорлиги кескин оширилди. Колхоз бу йил давлатга гўшт топшириш юзасидан белгиланган планни муваффақиятли бажарди. Бунда чўчқа гўшти ҳал қилувчи роль ўйнади.

Ҳозир колхоз фермасида 120 бош чўчқа бор. Улардан 30 таси боқувга қўйилган. Бу чўчқалар ўз вақтида яхши парвариш қилинаётганлиги, уларга бериладиган озуқа рационларининг тури кўпайтирилганлиги сабабли ҳар бир чўчқа кунига 500-600 граммдан семирмоқда.

О. ТИЛОВБЕРДИЕВ.

Зарпечакка қарши курашни йил бўйи олиб бориш керак

Кейинги йилларда Қуйи Чирчиқ район колхозларидаги каноп ва жут экинлари ўстириладиган майдонларда зарпечак кўп тарқалабошлади. Натижада айрим колхозларда зарпечак зарбидан каноп ва жут экинлари ҳосили ўрта ҳисобда 10-15 процентгача йўқотилмоқда. Зарпечакка қарши жиддий кураш олиб бормаётган хўжаликларда аҳвол бундан ҳам ёмон. Масалан, «Қизил шарқ», «Янги турмуш» колхозларида каноп ва жут экинлари зарпечакдан бу йил қаттиқ зararларланиб, ҳосилнинг 20-25 проценти нобуд бўлди.

Агрономия фани ва практикада кўп йиллик текширишлар ҳамда тажрибалар асосида текинхўр печакларни йўқотишнинг турли усуллари ишлаб чиқилган. Масалан, уруғликлар ҳар хил аралашмалардан тозаланиб, кондицион ҳолга келтирилади; далаларда, йўлларда бегана ўтлар йўқотилади; беда ўриб олингандан кейин унинг ангизига дори сепилади; айрим ўсимликларга зарпечак илашган бўлса, унинг иплари ва гуллари битта қолдирмасдан териб олиб йўқотилади ва ҳоказо.

Аммо бу санаб ўтилган тадбирлар мавсумий тарзда бўлиб, шуларнинг ўзи билан зарпечакни тамомила йўқотиш мумкин бўлмаётир. Тажриба, зарпечакни йўқотиш учун бутун йил бўйи иш олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу соҳада Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз аъзоларининг тажрибаси диққатга сазовордир.

— Бизнинг колхозда, — дейди колхоз агрономи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Анатолий Ким, — 1190 гектар майдонда каноп ва жут етиштирилади. Колхозчиларимиз ҳар гектаридан 120 центнердан каноп, гектаридан 110 центнердан жут ҳосили топшириш учун курашаётирлар. Биз мўл ҳосил учун курашни ўтган йил куздан бошладик ва буни зарпечакни йўқотиш ишлари билан қўшиб олиб бордик, ҳозир ҳам шундай қилаётирмиз.

Шу кунларда каноп ва жут ҳосили ўриб-йиғиштирилмоқда. Биз каноп ва жут ўраётган ҳар бир НП-9 агрегатига 2-3 кишини бириктириб қўйганмиз. Улар ўримда ажралиб чиқаётган экин чиқитларини тўдалайдилар ва қуйдириб юборадилар. Натижада чиқиндилар орасидаги зарпечак ва унинг уруғлари йўқолиб кетади.

Колхозда экин ангизларига мол ёйиб боқиш қатъий тақиқланган. Агар шундай қилинмаса, мол ангиздаги ўт билан бирга зарпечак ва унинг уруғини ҳам қўшиб ейди. Маълумки, зарпечак уруғи мол ичидан бутун ўтади, яъни уруғ кейинчалик гўнг билан бирга яна далага тушиб, такрор кўпаяди.

Зарпечак сезиларлик даражада тарқалган майдонларни шудгорлашда ерни отвалсиз плуг билан ҳайдаймиз. Шунда зарпечак уруғлари ер бетида қолиб, эрта кўкламги ўтларга илашади. Агар бу даврда шудгор бороналанса, бегана ўтлар билан бир қаторда зарпечак ҳам уруғламасдан йўқотилади. Бунда бегана ўт тамомила йўқотилса, зарпечак ҳам йўқ бўлиб кетади.

Бундан ташқари, йўл, айниқса ариқ бўйларидаги бегана ўтлар системали равишда йўқотилиб, дориланиб турилади. Акс ҳолда бу ерларда бегана ўт билан бирга зарпечак ўсиши — уруғ бойлаши ва уруғининг сув билан экин майдонларига тарқалиши мумкин.

Сабзавот, картошка ва бошқа экин майдонларида ҳам ана шундай тадбирларни амалга оширса бўлади. Бедапояларни эрта кўкламда бороналаш, дискалаш, шунингдек зарпечак тарқалган майдонларда ўримдан кейин ангизни дориласа катта аҳамиятга эга.

Колхозимиз аъзолари зарарли печакларга қарши ана шу усулда кураш олиб бориб, далаларни бу текинхўр зараркунандалардан тозалашга ва экинлар ҳосилини муттасил оширишга эришаётирлар.

Димитров номли колхознинг тажрибаси райондаги бошқа колхозларда маъқулланмоқда. Кўпчилик хўжаликлар ана шу тажрибага амал қилиб, зарпечакка қарши курашни йил бўйи олиб бориш тадбирларини кўрмоқдалар.

Қ. ПЕРШЕЕВ.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

„Политехника таълимига зътиборни кучайтирайлик"

Редакцияга келган хатларнинг бирида Бўстонлиқ районидаги мактабларда политехника таълимини амалга оширишга етарли эътибор берилмаётгани таҳқид қилинган. Хондайлиқ қишлоғидаги 11-мактаб коллективининг ташаббуси билан 1956 йилда 2 синфли устахона биносининг деворлари битказилганича чала қолиб кетди. Мактаб директори ўртоқ Инқоров бинони битказиш ва жиҳозлашга ажратилган пулни олдмай, сарсон бўлиб юргани кўрсатилган. Редакция фактларни аниқлаш ва чора кўриш учун хатни район халқ маорифи бўлимига юборган эди.

Бўстонлиқ район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Бердалиевнинг редакциямизга ёзишича, текширишда хатда келтирилган фактлар тўғри деб топилган. Хондайлиқ қишлоқ Советининг мактаб учун Калинин номли колхоз ҳисобига ўтказган пулидан фойдаланилмаган. Шу пулни колхоздан ундириш ва Октябрь байрамигача мактаб устахонасини битказиб, фойдаланишга топшириш учун чора кўрилган.

МИРЗАЧЎЛ МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ ҚЕНГАШИ

Мирзачўлнинг беполн қўриқ ерларида 300 га яқин ер қазиш машинаси ишламоқда. Уларнинг ёрдами билан янги суғориш шохобчаларининг трассалари тикланмоқда, ерлар текисланмоқда, совхоз усадьбалари ва йўллар қурилмоқда. Қўриқ ерларни ўзлаштиришда 800 дан ортиқ механизатор иштирок этмоқда.

Яқинда Янгиер шаҳрида бу механизаторларнинг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақанинг октябрь ойи иккинчи ўн кунлиги якуни муҳокама қилинди. «Главголодностепстрой» бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Терситский мусобақанинг қандай бораётгани тўғрисида доклад қилди.

Октябролди социалистик мусобақасининг якуни ёмон эмас. 33 та экскаватор бригадаси, 47 бульдозерчи ва 54 скреперчи Октябрь шарафига олган мажбуриятини бажарди.

Илғор механизаторлар кенгашда ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Комплекс бригадасининг бошлиғи ўртоқ Дробат нутқи айниқса қизиқарли бўлди.

Шу билан бирга, нотиқлар қўриқ ерларни ўзлаштиришда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганини ҳам кўрсатиб ўтдилар.

Кенгашда механизаторлардан бир группасига Ўзбекистон ССР Олий Советининг фахрий ёрлиқлари топширилди ва мукофотлар берилди.

ДАМ ОЛИШ КЕЧАСИ

Давлат эстрада театрининг биноси шоду-хуррам хотин-қизлар билан тўла. Бир тарафда созандалар ёқимли куй чалмоқдалар, иккинчи томонда меҳмондорчилик авжида. Баъзи жойларда эса қадрдон дугоналар ширин суҳбат қурган. Шўх кулкилар янграйди... Улар Октябрь районининг илғор хотин-қизлари бўлиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги муносабати билан уюштирилган хотин-қизлар дам олиш кечасига тўпланганлар. Бу шодиёна йиғилишни район партия комитети ва район ижроия комитети ташкил этган.

Кечада район партия комитетининг секретари ўртоқ Жўраева қисқача нутқ сўзлади. У ўзбек хотин-қизларининг революциядан илгариги оғир қисмати тўғрисида гапиради, Совет ҳокимиятининг аёлларга берган бахт-саодати, партия ва ҳукуматимизнинг қилаётган катта ғамхўрлиги тўғрисида ҳаяжон билан сўзлайди.

«Шарқ юлдузи» артелининг раиси ўртоқ Муслимова сўзга чиқади. У ўзбек аёлларининг эрлар билан баравар меҳнат қилаётганликлари, давлатни бошқаришда иштирок этаётганликлари ва «оқ олтин»дан мўл ҳосил олаётганликлари ҳақида гапиради.

Кеча охирида Давлат эстрадасининг артистлари ижросида катта концерт берилди.

Ф. УСМОНОВА.

Колхозларга оталик ёрдами

Ленин районидаги кўпгина корхона ва ташкилотлар Сирдарё, Верхне-волинск районларидаги МТС ва колхозларни оталикка олганлар. Оталикдаги ташкилотлар колхозчи ва механизаторлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ташкил қилишда маҳаллий партия ва совет ташкилотларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Яқинда Октябрь революцияси номли паровоз-вагон ремонт заводининг вакиллари Сирдарё районидаги Хрушчев номли колхозда бўлдилар. Улар дала шийпонларини безатишда, агитаторлар билан семинар ўтказишда колхоз партия ташкилотига ёрдам бердилар. Деворий газетани безатиб чиқариш юзасидан редколлегия аъзолари билан суҳбат ўтказдилар. Болалар боғчаси ва яслисининг иши яхшиланди.

Революция ветеранларидан Тимофей Андреевич Паршин, Арсений Игнатьевич Бачаровлар Тошкентдаги 1917 йилги октябрь воқиалари тўғрисида суҳбат уюштирдилар. Суҳбат пахтакорларда катта таассурот қолдирди.

«Подъёмник», авто-трактор деталь заводлари, тепловоз депоси ва бошқа корхоналарнинг коллективлари ҳам ўз оталикларидаги колхоз, МТС ларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

В. АБДУЛЛАЕВ.

Кутубхонада байрамга тайёргарлик

Верхне-волинск районидаги «Социализм» совхозининг китобга бой кутубхонаси бор. Кутубхонанинг лекторлар группаси КПСС Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими ҳамда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг «Октябрь революциясининг 40 йиллигига бағишланган тезислари»ни совхоз ишчилари ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Яқинда 11-мактаб директори Я. Мансуров «Ўзбекистонда Октябрь революциясининг галабаси тўғрисида», совхоз бош агрономи ўртоқ С. Шукуров «Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ҳақида» деган темаларда лекция ўқидилар.

Кутубхонада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллигига бағишлаб китобхонда кечаси ўтказиб турилмоқда. Шунингдек, кутубхонада революция темасида фотомонтажлар ташкил қилинган.

А. ИСМОИЛОВ,
У. СОДИРОВ.

Олдинги сафда

Партия бюросининг секретари Исматулла Ойтўраевни иккинчи бригада даласида, теримчилар ўртасида учратдик. У ҳар бир колхозчининг ёнида бир-икки минут тўхтаб, ундан ҳол-аҳвол сўрар, қандай ишлаётгани, нималарга эҳтиёж сезаётганини суриштириб кўрарди.

Навбат Адолат Турсуновага етганда савол-жавоб чинакам суҳбатга айланди.

— Адолат, кеча қанча пахта тердингиз?

— 180 кило.

— Бугун неча кило бўлади?

— Ҳаво яхши, 200 килодан ошиб қолар.

— Ҳаммаси бўлиб қанчага борди?

— Менинг ҳисобимда 7 тоннадан ошиб колди.

— Маррага қачон етмоқчисиз?

— Таним соғ бўлиб турса, 15 кундан кейин. Ҳар куни 200 килодан териб борсам, 10 тоннадан ошади.

— Демак, байрамгача ваъданинг устидан чиқар экансиз-да?

— Албатта.

Биз дала шийпони томон борар эканмиз, Ойтўраев колхозда кўпминг килограммчилар сони анча кўпайгани, 250 дан ортиқ киши ҳар куни 2-3 нормадан пахта тераётгани, шу туфайли колхоз районнинг илғор колхозлари каторида бораётганини айтиб берди. У йил-йўлакай партия бюросининг барча аъзолари бригадаларда тез-тез бўлиб, колхозчилар қандай ишлаётганидан, ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиб туришларини, бригада бошликларига ишни тўғри ташкил этишда ёрдам бериб бораётганликларини алоҳида уқтириб кўрсатди.

Колхоз пахтачиликни ривожлантиришда кейинги йилларда катта муваффақиятларга эришди. Ўтган йили ҳар гектар ердан 42,2 центнердан ҳосил олинди. Ҳосилдорлик 1955 йилгагига нисбатан гектар бошига 2,7 центнер ошди. Колхознинг хўжаликлараро олаётган даромади йил сайин кўпайиб, колхозчиларнинг моддий ва маданий турмуш даражаси тўхтовсиз яхшиланиб бормоқда.

Колхоз аъзолари бу йил барча майдонларда мўл ҳосил етиштирдилар. Улар ҳозир ҳосил йиғим-теримини тез суръатлар билан олиб бормоқдалар, мамлакатга бу йил янада кўпроқ пахта етказиб бериш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Партия ташкилоти колхоз правлениеси билан биргаликда йиғим-теримни пухта ўйлаб тузилган план асосида ташкил этди. Колхоз қишлоғидаги барча ишга яроқли аҳоли тўла ҳисобга олинди ва бригадаларга бириктирилди. Теримга киришиш олдидан барча бригадаларнинг хирмонига асфальт ётқизилди: тарози, от-арава ва етарли миқдорда коп-қанор ҳамда этак тайёрланди. Ҳар бир бригада, ҳар бир теримчи учун кунлик пахта териш графиги белгиланди.

Йиғим-терим ана шундай яхши тайёрлик кўрилган ҳолда бошланди. Унинг дастлабки кунларидан бошлаб бригадалар ва алоҳида теримчилар ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилди.

Партия ташкилоти коммунистларнинг меҳнатда шахсан намуна кўрсатишини, социалистик мусобақа илғорларининг олдинги сафида боришини таъминлаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Социалистик мусобақада коммунист ўртоқ Ғулжой Норматова бошлиқ 1-бригада олдинда бораётир. Бригада сентябрь ойида давлатга йиллик планнинг 45 проценти миқдорида пахта топширди. Ҳозир бу ерда кунига планнинг 3 проценти миқдорида пахта тайёрланаяпти.

Бригадада меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган. теримчиларнинг меҳнати тўғри ташкил этилган. Бригада аъзолари бир-бирлари билан мусобақалашган ҳолда ишламоқдалар. Уларнинг ҳар бири бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўпроқ пахта теришга ҳаракат қилади. Бу ерда кунлик пахта териш нормасини бажармаётган битта ҳам теримчини учратмайсиз. Кунига терилаётган пахта ҳар бир теримчига ўрта ҳисобда 80-90 килограммдан тўғри келаётганлиги бундан далолат беради.

Биз бошқа коммунистлар қандай ишлаётганликлари билан қизиқдик. Ўртоқ Шокир Зокиров транспорт бригадасига бошчилик қилади. Унинг қарамоғида 17 автокачка бор. У, аравакашлар ўртасида социалистик мусобақани тўғри йўлга қўйиб, уларнинг кўпроқ пахта ташишини таъминламоқда.

— Пахта йиғим-терими ва давлатга пахта топширишнинг муваффақияти,— дейди ўртоқ Зокиров, — кўп жиҳатдан терилган пахтанинг пешма-пеш тайёрлаш пунктига етказиб турилишига ҳам боғлиқ. Бригада аъзолари буни яхши биладилар. Шу туфайли улар ўзларининг бурчларини ҳалоллик билан ado этмоқдалар. Р. Ортиқов, Т. Илёсов, Ғ. Сохибов ва бошқа ўртоқлар ҳар куни 3 тонна ўрнига 4,5-5 тоннадан пахта ташимоқдалар. Биз бундан кейин ҳам терилган пахтанинг ўз вақтида давлатга етказиб берилишини таъминлаш учун ҳаракат қиламиз. Йигитларимиз бунинг уддасидан чиқишга қодирлар.

Кўпчилик коммунистлар бевосита далага чиқиб пахта тераётирлар. Улар кўпминг килограммчилар ҳаракатига бошчилик қилиб, кўп ва сифатли пахта теришда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Замира Парпиева, Назифа Сандибоева, Адолат Турсунова ўртоқлар теримда ажойиб намуна кўрсатмоқдалар. Шу билан бир каторда улар илғорлар тажрибасини оммалаштиришда партия ташкилотига якиндан ёрдам бераётирлар. Буларнинг ҳар бири бир неча теримчига ўз методларини ўргатдилар. Ўзлари ишлаётган бригадаларда ишни тўғри ташкил қилишда бошлиқларига кўмаклашмоқдалар.

Коммунистлардан Ориф Абдуназаров, Расул Исаев, Нуъмон Курбонов ўртоқлар хирмонда терилган пахтани қуритиш ва уни давлатга ўз вақтида жўнатиш ишини зўр маҳорат билан бажармоқдалар. Уларнинг ҳар бири кунига 2,5-3 тонна пахтани қуритиб, қоплаб бераётир.

Йиғим-терим даврида колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш партия ташкилотининг диққат марказида турмоқда. Бу соҳада илғор теримчиларнинг тажрибасини оммалаштириш марказий ўринга қўйилган. Бунинг учун партия ташкилоти барча имкониятларга эга. Кўпчилиги коммунист ва комсомоллардан иборат кучли агитколлектив ҳам, яхши жиҳозланган дала шийпонлари ҳам мавжуд.

Мисол учун, ўртоқ Комил Гулматов бошлиқ 3-бригада дала шийпонини олайлик. У, турли шиор ва плакатлар билан шинам қилиб безатилган. Алоҳида хонада қизил бурчак ташкил қилинган бўлиб, унда турли сиёсий ва бадиий адабиётлар бор. Бу ерга газета ва журналларнинг кундалик янги сони келтириб турилади. Дала шийпонидаги иккинчи бир хона кўчма ясли учун ажратиб берилган.

Бригадага коммунист ўртоқ Абдуҳаким Латипов агитатор қилиб бириктириб қўйилган. У, ҳар куни бригадада бўлади, колхозчилар билан суҳбат ўтказади, газета ва журналларда босилган қизиқарли хабарларни ўқиб беради. «Жанговар варақа»ни чиқаради.

Колхоз аъзолари зўр ғайрат ва уюшқоклик билан меҳнат қилиб, пахта йиғим-терими суръатини тобора кучайтириш учун курашмоқдалар. Уларнинг курашига партия ташкилоти бошчилик қилмоқда. Коммунистлар йиғим-терим илғорларининг олдинги сафида бораётирлар.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XII СЕССИЯСИ

А. А. ГРОМИКО БАЁНОТИ

НЬЮ-ЙОРК, 23 октябрь. (ТАСС). СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида Сурияннинг шикояти тўғрисидаги масала юзасидан сўзга чиқиб, бундай деди: Бу масала ғоят муҳим ва дарҳол ҳал этилиши лозим бўлган масаладир. Бу масала Яқин ва Ўрта Шарқ районида тинчликнинг тақдиригагина эмас, балки умумий тинчликнинг тақдирига ҳам бевосита алоқалар масалалир.

Сурия БМТга мурожаат қилишдан илгари, деди А. А. Громико, Яқин ва Ўрта Шарқ районида империалистлар найранг ишлатдилар ва, аввало, АҚШ ўзининг агрессив сиёсатини қўлланди.

А. А. Громико таъкидлаб айтдики. Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши агрессияси барбод бўлганидан кейин, АҚШ Яқин ва Ўрта Шарқдаги кескинликни юмшатишни истамай, араб давлатларининг ички ишларига қўпол аралашиш ва ана шу районда урушнинг хавфли ўчоқларини вужудга келтириш йўлига ўтди. Агрессив руҳда бўлган «Даллес-Эйзенхауэр доктринаси» ана шу сиёсатнинг ёрқин ифодаси бўлди. Бу доктринадан кузатилган мақсад — АҚШнинг Яқин ва Ўрта Шарқда ҳўжайин бўлишини таъминлашдан иборат. АҚШ ўзига қарашли бўлмаган эл-юртда ҳўжайинлик қилишининг сабаблари маълум бўлмаса ҳам, у шундай ҳаракат қилмоқда. Қўшма Штатларнинг ана шу «доктрина»да ўз ифодасини топган сиёсати мустамлакачиликдан иборат «куч вакууми» концепциясига тамомила ва тўла равишда асосланган. Ана шу концепцияда империалистларнинг вақшиёна иштаҳаларини кўриб билган барча араб халқлари бу концепцияни қатъий рад этдилар.

«Доктрина»ни қўлланишнинг бир неча ойлик тажрибаси ана шу янги доктрина Яқин ва Ўрта Шарқда вазиятни жиддий суратда кескинлаштирганлигини аққол исбот этди.

Ҳозирги вақтда Сурия теварагида бўлаётган ҳамма воқиалар ана шу «доктрина»ни амалга оширишдан бошқа бир нарса эмас. АҚШнинг ташқи сиёсатини белгилаётган доиралар Яқин ва Ўрта Шарқда илгариги мустамлакачи давлатларнинг ўрнини эгаллаш учун рўй берган вазиятдан фойдаланишга қарор бердилар. Бунинг натижасида ҳозирги аҳволга олиб келган воқиалар бирин-кетин рўй берди.

Агрессив доиралар Сурияга нисбатан ўз мақсадларига эришиш учун қандай тактикани қўлланаётганликларини кўздан кечирадиган бўлсак, империалистлар кучсиз ва ҳимоясиз халқларга нисбатан қўлланиб келган ҳамма методлардан фойдаланаётганликларини кўрамиз. Бунда иқтисодий жиҳатдан қамал қилаётганликларини ҳам, сиёсий жиҳатдан тазйиқ қилаётганликларини ҳам, араб мамлакатлари ичида ташқаридан уюштирилган қўпорувчилик ишларини ҳам кўрамиз. Сурия ташқи ишлар министри Битар жаноблари бу ерда шу тўғрида жуда аниқ гапириб берди. Бунда ҳарбий таҳдидларни ҳам ва, ниҳоят, Сурия территориясига бостириб кириш йўлидаги бевосита тайёргарликни, яъни қуролли агрессия қилишга бевосита тайёргарликни ҳам кўрамиз.

А. А. Громико сўзини давом эттириб, бундай деди: Ҳавф-ҳатар ўтиб кетди, ёки ҳатто камайди деб ҳисоблаш катта хато бўлур эди. Араб халқлари мустақиллигининг душманлари ҳозирги вақтда худди шундай таассуротни вужудга келтирмоқчи бўладилар. Улар Яқин ва Ўрта Шарқ районида кескинлик камайди, Сурия теварагидаги аҳвол юмшашди, деб кўрсатмоқчи бўладилар. Аммо, бу алдамчиликдан бошқа бир нарса эмас. Яқин ва Ўрта Шарқ районида ўзгаларнинг хоҳишини бажарувчи асосий мамлакат бўлган Туркия қилич ялангочлатишни тўхтатмаётганлиги бу нарсанинг халқларни алдашга, уларнинг ҳушёрлигини сусайтиришга уринишдан иборат эканлигини кўрсатади. Бунинг устига Туркия Сурия территориясига бостириб кириш йўлидаги тайёргарликни кучайтириб юборди.

Ишончли маълумотларга қараганда, Туркиянинг бош штаби Америка ҳарбий маслаҳатчилари билан биргаликда Туркиянинг Сурияга ҳужум қилиш планларини батафсил ишлаб чиққан, улар Туркия парламентига сайлов ўтказилиши биланоқ ана шу планларни амалга оширмоқчи бўладилар. Маълумки, Туркия парламентига сайловлар 27 октябрга тайинланган.

Ана шу планларга мувофиқ, Туркия қўмондонлиги йирик қуролли кучлари — пиёда аскарларни, танк ва артиллерия қисмларини, авиацияни Сурия билан чегарадош районларга келтирди. Туркия ҳозирги вақтда Сурия чегарасига 50.000 дан ортиқ солдат, 700 га яқин танк ва ўзюрар артиллерия установкаларини тўплади.

Ана шу зарбдор группанинг жанговарлик қобилиятини ошириш учун кейинги вақтларда АҚШдан қурол-яроғ ва ўқ-дорилар келтирилди.

Америка ҳарбийлари ва Туркия қўмондонлиги томонидан ишлаб чиқилган план Туркиянинг моторлаштирилган қисмларининг Сурия территориясига Ўрта денгиздан тортиб Ефрат дарёсигача кенг фронт бўйлаб бостириб кириш қисмларини кўзда тутади. Бу план АҚШ 6-флотининг Латакия портига ўз ҳарбий кемаларини кирита олиши учун ана шу портни тездан босиб олишни кўзда тутади. Ана шу вақт ичида, мазкур планга мувофиқ, Туркия армия группасининг асосий кучлари Сурия пойтахти Дамашққа қараб боришлари керак. Туркиянинг ҳозирги ташқи сиёсатини белгиловчи давлат арбоблари Туркияга топширилган ролга шу қадар берилиб кетдиларки; улар Туркиянинг агрессия йўлидан бориб, ўзини қандай аҳволга солиб қўяжагига ҳушёрлик билан баҳо бериш қобилиятидан ҳам маҳрум бўлиб қолдилар. Туркиянинг ана шу арбоблари Туркиянинг араб халқлари устидан аввалги ҳукмронлигини қайтадан тиклаш хаёлида бўлсалар керак? Бундай орзу беҳудадир. Улар аҳволга ҳушёрлик билан ва объектив суратда баҳо берадиган бўлсалар, ўз сиёсатларининг ғоят хавфли сиёсат эканлигини кўрмай қолишлари мумкин эмас.

Чет эл империалист доираларининг араб давлатларига нисбатан ўз олдиларига қўйган ниятларини бажарувчи сифатида Туркиянинг танлаб олинганлигига сабаб нима эканлиги яхши маълум. Туркиянинг ана шундай ижрочи сифатида танлаб олинганлигига сабаб шуки, Яқин ва Ўрта Шарқдаги бошқа давлатлар орасида ана шундай ноинқилиқдан иборат вазифани ўз зиммасига олиш ишкибозлари йўқ. Араб давлатларининг бирортаси ҳам Сурияга нисбатан жиноий ниятларни амалга оширишда таянч бўла оладиган куч бўлиб хизмат қила олмайди. Мустамлакачилар буни яхши пайқаб олдилар. Исроилга келганда шуни айтиш керакки, у ўтган йили Мисрга қарши қилган авантюраси билан ўз обрўсини тўкиб қўйди. Лекин шунга қарамай, Сурияга ва бошқа араб давлатларига қарши тузилган планларда Исроил зиммасига муайян роль юкланади. Америка ва Туркиянинг Сурияга ҳужум қилиш планини муҳокама қилиш вақтида ана шу операцияларда муайян даврларда Исроилни ҳам қатнаштириш кўзда тутилган эди. Тажриба шуни кўрсатдики, Исроил ўзининг бундан кейин тараққиёти қандай бўлажаги тўғрисида фикр юритмаётир ва Исроил ҳукумати ўтказиб келаётган сиёсат давом эттириладиган бўлса, унинг давлат сифатида яшаши қандай бўлажаги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаётир. Исроил ўзи ўтирган шохни кесгандай бўлади.

Туркия НАТОга аъзо бўлиб кирган пайтидан буён Америкадан қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлардан иборат ёрдам олганлиги ҳам бу соҳада ўз ролини ўйнаганлиги маълум. НАТОнинг аъзоси бўлган бошқа мамлакатларни ҳисобга олмаганда, Қўшма Штатларнинг бир ўзигина Туркияга 1.300 ҳарбий самолёт, 1.400 танк, 3.500 артиллерия қуроли ва бошқа қурол-яроғ ҳамда ҳарбий анжомлар етказиб берди. Туркия АҚШдан жами қариб 2 миллиард долларлик қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар олди. Туркия ана шу «ёрдам»нинг ҳақини ҳали тўлагани йўқ. Афтидан, эндиликда турк халқини Американинг етказиб бераётган қурол-яроғлари эвазига ўз ёшларининг қонини тўкишга мажбур этишни истаётган кишилар бўлса керак.

Совет ҳукумати Сурия теварагида вужудга келган вазият қандай хавф-ҳатар туғдираётганлигига Туркия ҳукуматининг эътиборини жалб этган эди. Совет ҳукумати бу вазият тинчлик иши учун ва Туркия давлатининг ўзи учун оғир оқибатлар келтириши мумкин бўлган воқиаларнинг рўй беришига сабаб бўлажагига Туркия давлат арбобларининг эътиборини саммий дўстлик туйғулари билан жалб этди.

Совет Иттифоқининг Туркия шаънига қилган шу хилдаги баёнотлари ва огоҳлантиришлари дўқ қилишдан иборат деб айтишлари мумкин, дарҳақиқат шундай деб ҳам айтмоқдалар. Йўқ, бу таҳдид эмас, аммо, бу — Туркияни огоҳлантиришдир, дарҳақиқат огоҳлантиришдир. Совет ҳукумати Сурияга қарши ҳарбий авантюра қилинганида, бу авантюра Туркия бошига катта кулфатлар келтириши мумкин эканлигига Туркия ҳукуматининг эътиборини жалб этишни зарур деб ҳисоблаган экан, у, Яқин Шарқда ва бутун дунёда тинчликни сақлаш учун Совет Иттифоқининг катта жавобгарликни англаганлигини назарда тутади. СССР ҳукумати авантюризм ақл-идрок ва совуққонлик ўрнини босар экан, у ҳолда Совет Иттифоқи бир чеккада қола олмайди, деб кўп марта таъкидлади. Совет Иттифоқининг бундай позицияси Совет давлати ташқи сиёсатининг, яъни тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатнинг асосларидан келиб чиқиш билан бирга, Совет Иттифоқининг хавфсизлиги манфаатлари ҳам шуни тақозо этади. Ғарбда баъзи бировлар бунга етарли баҳо бермаётирлар ёки ўзларини етарли баҳо бермаётган кишилар қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. СССРнинг чегараларига бевосита яқин бўлган районда тинчликнинг тақдири тўғрисида сўз бораётганлигини эътиборга олганда, Совет Иттифоқининг ана шу позицияси табиий ва тушунарли позициядир.

Совет ҳукумати Сурия ҳукуматининг БМТ аъзоси бўлган ана шу давлат теварагида вужудга келган вазият Сурининг хавфсизлиги учун пайдо бўлган таҳдидни, тинчлик иши учун рўй берган хавфни йўқотиш учун зарур чоралар кўришни талаб қилади, деган фикрига тамомила қўшилади. Сурия чегараси ёнига турк қўшинларини тўплаш давом этаётганлиги, танк қисмларининг, кўп миқдорда артиллерия ва авиациянинг чегара яқинига тўпланаётганлиги ҳамда агрессив характердаги бошқа тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги ана шу хавфнинг кун сайин кучайиб бораётганлигини исбот қилади. Бундай шароитда Сурияга ҳужум қилиш хавфи кучаймоқда, хусусан АҚШнинг Туркияни гиж-гижлатиши камайиши ўёқда турсин, балки тобора кучайиб бораётганлигини эътиборга олганда, Сурияга ҳужум қилиш хавфи кучайиб бормоқда.

Давлат департаменти Сурияга қарши агрессия тайёрлашда АҚШнинг ролини инкор қилишга уринмоқда. Аммо, Америка эмиссари Гендерсоннинг Туркияга қилган сафари ҳаммаларнинг эсидадир. Ана шу сафардан кейин ва бу сафар натижасида Сурияга ошкора ҳарбий ҳужум қилишга зўр бериб тайёргарлик кўрила бошланди ва Америка ҳамда Туркия ҳарбийлари ана шу ҳужум планларини туза бошладилар. АҚШ давлат департаментининг шу йил 10 октябрдаги баёноти ҳам маълум. Бу баёнотда Яқин Шарқдаги аҳвол муносабати билан Қўшма Штатлар Шимолий атлантик шартномасига мувофиқ, ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаради, деб таъкидланади. Шундай қилиб, АҚШ Сурияга қарши уруш ҳаракатларида Туркияга ёрдам қиламиз, деб ошкора ваъда бермоқда. Ҳолбуки Туркияга ҳеч ким ва шу жумладан Сурия ҳам таҳдид қилмаётир. Шимолий атлантик блокининг аъзоси бўлган Туркия Сурияга қарши ҳужум тайёрламоқда, АҚШ эса ана шу агрессив ҳаракатларда НАТО аъзоларининг Туркияга ёрдам бериш мажбуриятини олганликлари тўғрисида ошкора гапирмоқда. Бу нарса АҚШ Сурияга ҳужум қилиш учун Туркияни очиқдан-очиқ гиж-гижлаётганлигини исбот қилмайдими, ахир.

АҚШ давлат секретари Даллес жаноблари 16 октябрда ўтказилган матбуот конференциясида Америка ҳукуматининг Туркияни қўллаб-қувватлашга ваъда берганлигини алоҳида таъкидлади. Туркияга ҳеч ким ҳужум қилишга тайёрланмаган бир пайтда, худди Туркиянинг ўзи Сурияга қарши агрессия қилишга тайёрланаётган бир вазиятда шундай баёнот қилинди. Бу баёнотни Туркияни уруш бошлашга гиж-гижлатишдан бошқа бир нарса деб бўладими?

Туркиядаги, шунингдек АҚШдаги расмий доираларнинг вакиллари тасалли бермоқчи бўлиб турли баёнотлар билан майдонга чиқмоқдалар. Бугунги мажлис бошланган чоқда, Туркия делегатининг берган баёноти бунга мисолдир. Аммо бу баёнотлар ҳеч кимга тасалли бера олмайди ва тасалли бермаслиги керак. Агар Қўшма Штатлар урушга қарши чиқар экан, Туркия ҳам урушга қарши экан, агар бу мамлакатларнинг ҳукуматлари бошқа давлатларнинг чегараларини ва уларнинг мустақиллигини ҳурмат қилишга тайёр турар эканлар, улар бу ерда, Бош Ассамблеяда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида шу тўғрида гапирсинлар ва буни амалда исбот қилсинлар. Бунинг учун, даставвал, Туркия қўшинларини Сурия чегараларидан олиб кетиш ва Сурияга нисбатан дўқ қилишни тўхтатиш, қилич ялангочлатишни тўхтатиш зарур.

Яқин ва Ўрта Шарқда урушнинг хавфли ўчоғи пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун, даставвал, ана шу райондаги мамлакатларга нисбатан куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш, бу мамлакатларнинг ички ишларига аралашишдан воз кечиш зарур.

А. А. Громико сўзини давом эттириб, бундай деди: Совет делегацияси Яқин ва Ўрта Шарқдаги аҳвол ташвиш туғдирмайди, деган гаплар билан Бош Ассамблеяни тинчитиш йўлидаги уринишларга ишонч билан қарамаслик кераклигига шу Ассамблеяда қатнашувчи бошқа барча давлатлар вакилларининг эътиборини яна жалб этиш зарур, деб ҳисоблайди, чунки биз бунда ҳақиқий аҳволни яширишга уринаётганликларини кўрамиз. Ана шу районда рўй берган хавфли вазиятнинг вужудга келиши учун айбдор бўлган кишилар БМТ воқеа рўй берганидан кейин тамошабин бўлиб қолади ва ўз ҳаракатлари жазосиз қолади, деган умид билан Сурия каби кичик бир давлатни тезроқ йўқ қилмоқчи бўладилар.

Яқин ва Ўрта Шарқда урушнинг бошланиш хавфига йўл қўймасликка Сурияга ҳужум қилинган тақдирда, БМТ аъзоси бўлган давлатларнинг қуролли кучларни қўлланиш йўли билан агрессияни йўқотиш учун зарур чораларни кўришлари тўғрисида Бош Ассамблеянинг чиқарган қарори жавоб берган бўлур эди. Шуни эътиборга олиш керакки, бир қанча араб давлатлари Сурияннинг мустақиллигини қўллаб-қувватлаш ва Сурияга қарши агрессия бўлган тақдирда, Сурияга ёрдам бериш зарур эканлигини ёқлаб чиқдилар. Бошқа мамлакатларнинг, шу жумладан, Совет Иттифоқининг тинчликсевар халқлари ҳам Сурия томонидадирлар.

Бош Ассамблея раисининг номига 16 октябрда юборилган мактубда баён қилинган бизнинг таклифимиз ҳаммангизга маълум. Бу таклифнинг моҳияти шундан иборатки, Туркия Сурия чегарасида тинчликни бузиб, Сурияга ҳужум қилган тақдирда, БМТ аъзоси бўлган давлатлар агрессияни йўқотиш учун Сурияга дарҳол қурол кучи билан зарур ёрдам кўрсатишлари керак. Совет ҳукумати шуни изоҳ қиладики, агрессияни бостиришда ва тинчликни бузувчиларни жазолашда Совет Иттифоқи ўз қуролли кучлари билан қатнашишга тайёрдир.

Сурия ҳукумати ўз хавфсизлиги учун таҳдид пайдо бўлганлиги муносабати билан ёрдам сўраб БМТга мурожаат қилди. Сурия ҳукумати Сурия-Туркия чегарасидаги аҳволни текшириш учун комиссия тузиш зарур, деган масалани кўтарди. Совет ҳукуматининг фикрича, БМТ шундай чорани кўриши лозим. Биз, Сурия устида пайдо бўлган хавфни йўқотиш тўғрисида гамхўрлик қилар эканмиз ва БМТнинг ўз бурчини бажармаслиги орқасида рўй бериши мумкин бўлган хавфли воқеаларнинг олдини олиш тўғрисида гамхўрлик қилар эканмиз, Сурияннинг ана шу минимал таклифини қабул қилмаслик мумкин эмас.

Комиссияни тузиш ва юбориш БМТга Сурия-Туркия чегарасида қандай воқеалар рўй бераётганлиги тўғрисида ўша жойнинг ўзида ахборот олиш имконини берган бўлур эди. Комиссиянинг ана шу жойдаги аҳвол билан танишиб чиқиши ўз хулосалари ва мулоҳазаларини Хавфсизлик Кенгашига ҳамда Бош Ассамблеяга маълум қилиш учун чегарадаги вазиятни аниқ билиш имконини туғдириши лозим.

Совет делегацияси умумий тинчликнинг тақдирига бевосита таалуқли бўлган ва ҳозир қараб чиқилаётган масаланинг муҳим эканлигини яна бир марта таъкидлаб ўтиш зарур, деб ҳисоблайди.

Совет ҳукумати, деди А. А. Громико, Яқин ва Ўрта Шарқ районида тинчликни сақлаш ҳамда урушнинг олдини олишга қатъий тарафдордир ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг принциплари ҳамда мақсадларига амал қилиб, агрессорни жиловлаш учун чора кўришга тайёрдир. Совет ҳукумати ана шу мақсадда Қўшма Штатлар билан биргаликда, шунингдек бошқа давлатлар билан биргаликда ҳаракат қилишга тайёр эканлигини билдирди.

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ КИТОБ САВДОСИ

Кеча Тошкентда республика китоб ярмаркаси очилди. Бунда Ўзбекистон ва қардош республикаларнинг китоб билан савдо қилувчи ташкилотлари қатнашаётир. Суратда: ярмаркада.

Б. Фомичев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЕР СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА

Ер сунъий йўлдоши 24 октябрь соат 6 га қадар Ер теварагини 288 марта тўлиқ айланиб чиқди. Шу билан у 12 миллион 560 минг километр масофани босиб ўтди. 24 октябрь кечқурунга бориб, учирувчи ракета йўлдошдан 60 минут илгари ва йўлдошдан 27 минг 400 километр олдинда учиб боради. Бунда учирувчи ракета йўлдошдан узунлик бўйича тахминан 15 градус шарқдароқ ўтади.

Ер сунъий йўлдошининг 24 ва 25 октябрдаги ҳаракатини кузатиш учун унинг Ернинг асосий пунктлари устидан Москва вақти билан қачон учиб ўтишини хабар киламиз.

24 ОКТЯБРДА

Порт Гаррисон — соат 9-09 минутда, Ньюфаундленд ороли — соат 9-13 минутда, Олбани (Австралия) — соат 10-08 минутда, Алеут ороллари — соат 10-33 минутда, Оттава — соат 10-50 минутда, Нью-Йорк — соат 10-51 минутда, Сан-Пауло — соат 11-11 минутда, Бандунг — соат 11-53 минутда, Манила — соат 11-59 минутда, Хиросима — соат 12-04 минутда, Канзас Сити — соат 12-27 минутда, Росарио — соат 12-50 минутда, Рангун — соат 13-35 минутда, Лос-Анжелос — соат 14-04 минутда, Оловли ер ороли — соат 14-32 минутда, Бомбай — соат 15-11 минутда, Деҳли — соат 15-14 минутда, Якутск — соат 15-24 минутда, Иоганнесбург — соат 16-33 минутда, Ашхобод — соат 16-51 минутда, Новосибирск — соат 16-55 минутда, Алеут ороллари — соат 17-09 минутда, Грейам ери — соат 17-52 минутда, Коҳира — соат 18-25 минутда, Куйбишев — соат 18-31 минутда, Якутск — соат 18-40 минутда, Самоа ороли — соат 19-05 минутда, Харпер — соат 19-53 минутда, Будапешт — соат 20-05 минутда, Москва — соат 20-07 минутда, Хабаровск — соат 20-21 минутда, Токио — соат 20-25 минутда, Оловли ер ороли — соат 21-10 минутда, Рио-Де-Жанейро — соат 21-20 минутда, Лиссабон — соат 21-38 минутда, Лондон — соат 21-41 минутда, Стокгольм — соат 21-44 минутда, Улан-Батор — соат 21-56 минутда, Пекин — соат 21-59 минутда, Шанхай — соат 22-02 минутда, Сидней — соат 22-22 минутда, Сант-Яго — соат 22-53 минутда, Берген — соат 23-21 минутда, Архангельск — соат 23-24 минутда, Ханой — соат 23-41 минутда, Сайгон — соат 23-44 минутда, Порт Хедленд (Австралия) — соат 23-53 минутда.

25 ОКТЯБРДА

Панама — соат 0-40 минутда, Ньюфаундленд ороли — соат 0-51 минутда, Рейкьявик — соат 0-56 минутда, Петрозаводск — соат 1-03 минутда, Тошкент — соат 1-09 минутда, Сталинобод — соат 1-10 минутда, Мадорас — соат 1-18 минутда, Кливленд — соат 2-25 минутда, Оттава — соат 2-26 минутда, Рейкьявик — соат 2-34 минутда, Стокгольм — соат 2-37 минутда, Рига — соат 2-40 минутда, Минск — соат 2-41 минутда, Харьков — соат 2-43 минутда, Тбилиси — соат 2-45 минутда, Ереван — соат 2-46 минутда, Виннипег — соат 4-03 минутда, Рейкьявик — соат 4-13 минутда, Оркней ороллари соат 4-15 минутда, Вена — соат 4-19 минутда, Тирана — соат 4-21 минутда, Хартум — соат 4-29 минутда, Мадагаскар ороли — 4-40 минутда, Ванкувер — соат 5-38 минутда, Мадрид — соат 5-56 минутда, Иоганнесбург — соат 6-17 минутда, Фиджи ороли — соат 6-55 минутда, Фритаун — соат 7-41 минутда, Мельбурн — соат 8-24 минутда, Маршалл ороллари — соат 8-38 минутда, Датч-Харбор — соат 8-50 минутда.

КПСС кекса аъзолари — Октябрь революцияси қатнашчилари делегацияси Польшага жўнаб кетди

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ КПСС кекса аъзолари — Октябрь революцияси ва СССР да гражданлар уруши қатнашчилари делегацияси шу йил 23 октябрда Москвадан Варшавага жўнаб кетди.

Делегация Улуг Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги муносабати билан Польшада бўладиган тантаналарда иштирок этади. Делегация аъзолари Польша ишчилар ҳаракатининг ветеранлари билан, ишчилар, деҳқонлар ва интеллигенция ҳамда ёшларнинг вакиллари билан учрашадилар.

Делегация составида: М. Б. Митин (делегация раҳбари), А. И. Беленец, О. А. Белова, С. И. Гопнер, М. И. Губельман, С. А. Ковпак, Ф. Н. Лозовский, А. Я. Пельше, А. Я. Прокопчук, Е. А. Степанова ва А. Я. Чечковскийлар бор.

Сурия ташқи ишлар министрлигининг баёноти

ДАМАШҚ, 23 октябрь. (ТАСС). Сурия Ташқи ишлар министрлиги кеча баёнот эълон қилди. Министрлик бу баёнотида Сурия-Туркия муносабатлари масаласи юзасидан Саудия Арабистонининг короли Сауд ва Сурия президенти Шукри Қувватлининг бир-бирларига юборган мактубларининг мазмуни батафсил баён қилинади.

Мактубларнинг мазмуни король Сауд Туркия-Сурия конфликтини ҳал этишда воситачи бўлиш тўғрисида таклиф қилди, шунингдек Сурия томони бундай воситачиликни қабул қилди ва Туркия вакиллари билан музокаралар олиб бориш учун ўз делегациясини Арриядга юборишга тайёрлигини билдирди, деб даъво қилишга асос берадиган ҳеч қандай фактлар йўқлиги тўғрисида гапирилади.

Даллеснинг қарори

НЬЮ-ЙОРК, 23 октябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Вашингтондан билдиришига қараганда, Югославия Германия Демократик Республикаси билан дипломатия муносабатлари ўрнатишга қарор берганлиги муносабати билан давлат секретари Даллес Американинг Югославияга бераётган «ёрдами»ни тўхтатишга қарор қилган.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Совет учувчиларининг буюк муваффақияти

21 октябрь тонг отар пайтида Тошкент аэродромидан иккита тўрт моторли ҳаво кемаси одатдан ташқари сафарга учиб кетди. Штурман планшеткасида «Дунё томи» — Памирга борадиган йўл кўрсатилган эди.

...Ғарбий Памирнинг марказида пастга қараб узлуксиз силжиб бораётган Федченко музлигида бу йил булутлар остида баландликда кўчма муз станцияси деб аталадиган дунёда биринчи станция ташкил этилганлиги илгари матбуотда хабар қилинган эди. Халқаро геофизика йили программасига мувофиқ, бу ерда илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган беш жасур ватанпарвар музликда кичик уй қурдилар, станцияни жиҳозладилар. Денгиз сатҳидан 4.900 метр баландликдаги бу станциянинг ёрдами билан баланд тоғ устидаги энг оғир шароитларда биринчи марта метеорология кузатишлари йўлга қўйилди. Бу кузатишлар илмий ва амалий жиҳатдан ғоят катта қизиқиш туғдирмоқда.

Куз бошланди. Алпинистлар қишлов жойига етмиш тоннага яқин юкларни ташиб келтириб, станцияни ёқилғи билан ва бошқа баъзи нарсалар билан тўла таъминлай олмадилар. Октябрнинг биринчи кунларида музликда ҳаво температураси 35 даража совуқ бўлган пайтда, қишловнинг барбод бўлиш хавфи туғилди. Шу пайтда баланд тоғларда иш олиб бораётган олимларга ёрдам бериш учун авиацияни юборишга қарор қилинди. Мўлжалланаётган ҳаво операциясининг қийинчилиги шундан иборат эдики, қишлов ерига яқин жойлар ғоят катта тоғ қоялари билан ўралган эди, фақат кўз билангина кўриб учиб бориш мумкин эди, чунки музликдаги радиостанция бузилиб қолган эди. Шу билан бирга, шу вақтгача шамол оқимининг кучи текшириб кўрилмаган районга юкларни жуда аниқ жойга ташлаш керак эди. Мўлжал қилишда бироз бўлса ҳам хатога йўл қўйилган тақдирда, юклар қишловчилар бора олмайдиган жойларга тушиб қолиши мумкин эди.

Памирга учиб бориш учун ажратилган самолётларнинг экипажлари бир неча кун давомида учиб кетишга тайёр ҳолда турдилар. Лекин ҳар куни эрталаб синоптиклар музлик ва унинг атроф-теварагидаги тоғлар устини қалин булут қоплаб турганлигини хабар қилдилар. Фақат 21 октябрдагина учиш мумкин бўлди.

Мана, биз разведка учун ҳавога парвоз қилган флагман ҳаво кемасининг кабинасидамиз. Уни бўлинма командири К. Я. Балашов бошқариб бормоқда, старший штурман Н. П. Омельченко йўлни кўрсатиб бормоқда. А. К. Левый учириб бораётган иккинчи самолёт кабинанинг ойналаридан кўриниб турибди. Контейнерлар ташлашга тайёр қилиб қўйилган. Бу контейнерлар ичига қишловчилар учун 6 минг килограммга яқин юк — ёқилғи, озиқ-овқат запаси, турли-туман аппаратлар жойлаштирилган.

Прибор стрелкаси тобора баландга кўтарилмоқда: уч, беш, олти, етти ярим минг метр!

— Памир устидамиз! — Наушникларда штурман Н. П. Омельченконинг шу сўзлари эшитилади.

Машҳур рус сайёҳи Д. В. Наливкиннинг қуйидаги сўзлари ёдингга тушади. «Колорадодаги Катта Каньоннинг туби юқоридан кўринмайди, чунки унинг таги ерга жуда чуқур кириб кетган, Памирнинг чиройли даралари эса, бундан ҳам чуқурроқдир... Арктиканинг тундралари ҳаётсиз ва жуда совуқ музликлардан иборат, Памирнинг текис тоғлари ундан ҳам ҳаётсизроқ ва совуқроқдир. Бу ерда йил давомида фақат бир ой совуқ бўлмайди, холос».

Оператор иллюминаторга яқин келиб, шундай баландликдан тарихда биринчи марта баланд қорли «дунё томи»нинг афсонавий гўзалликларини киносуратга олади.

Самолётнинг ўнг борти томонда СССР фанлар академиясининг чўққиси намоён бўлади. Буюк Гармо ана шу тошли ғоят кўп чўққилар орасидан жуда баландликка кўтарилган. Яна бир неча минутдан кейин чап томонда 7.300 метрдан ҳам баланд Ленин чўққиси кўзга ташланади.

Учишнинг баландлиги 7.800 метрга етади. Бортнинг ўнг томонида шу ўлканинг энг юқори чўққиси — 7.495 метр баландликдаги Сталин номли чўққи кўзга ташланади. Самолётлар олимларнинг тоғлар ва музлар оралигидаги қишлов ерига яқинлашадилар.

— Музликка етай деб қолдик! — деган сўзлар наушникларда янграйди. — Операцияни бажаришга тайёрланг!

Самолётнинг қанотлари остида музлик қўёшда ярқирамоқда. Бу музликнинг узунлиги 70 километрдан ортади. Баландликда учиб борган вақтда гигант музлик худди илон изига ўхшаб кўринади. Шарқнинг ғоят катта дарёларининг манбаи ана шу ердадир. Приборларнинг ёрдами билангина эмас, балки оддий кўз билан ҳам бутун музликни яхши кўриш мумкин. Мана, илмий станция жойлашган уй. Бу уй юқори томондан унча катта бўлмаган қора доққа ўхшаб кўринади.

Самолётлар бир мунча пастлаб, қишлов устидан айланиб учадилар. Учувчилар, Революция чўққисини мўлжаллаб, ҳаво кемаларини мўлжалга олиб борадилар. Флагман самолётидан бирин-кетин иккита контейнер пастга қараб тушиб кета бошлайди. Самолёт яна бир марта айлангач, юкли контейнерлар пастга томон тушиб боради. Иккинчи самолёт ҳам контейнерларни аниқ мўлжалга ташлайди. Қишловчилар учун олти тоннага яқин юклар ташланди.

Бажарилган ишларнинг ҳаммаси олдиндан қилинган мўлжалга мувофиқ амалга оширилди. Бир ярим минг метрга эркин тушиб боргандан кейин контейнерларга ўрнатилган автоматлар парашютларни очиб юборадилар. Бунинг натижасида юкларнинг ерга аниқ тушиши таъминланади. Юклар қишловчилар уйининг 50-150 метр яқинига тушади.

Қишловчиларнинг контейнерларга қараб югуриб келаётганликлари аниқ кўриниб турди. Топшириқ бажарилди. Самолётлар музлик устидан хайрлашиб, айланиб учиб ўтадилар ва келган томонларига қараб йўл оладилар.

22 октябрда оғир самолётлар группаси ҳавога парвоз қилиб, шундан бир кун илгари жасур разведкачилар томонидан очилган йўл билан учиб кетадилар. Қуёш қорли чўққиларни ярқиратиб турар эди. Экипажлар юкларни ташлашга тайёрланадилар. Лекин самолётлар мўлжалга яқинлашиб келганларида, бу ер устини қуюқ туман босган эди. Самолётлар аэродромга қайтиб келди.

23 октябрь эрталаб самолётлар топшириқни бажариш учун яна учиб кетдилар. Бу гал «дунё томи» устида қалин булутларни ёриб ўтишга, кўриб бўлмайдиган қуюқ булутлар орасида 7.500-8.000 метр баландликда учишга тўғри келди. Тажрибали штурман уларни қишлов жойга аниқ олиб борди. Парашютлар билан ташланган контейнерлар станция яқинига тушди. Бу операцияни ўтказишда бўлинма командири К. Я. Балашов, старший штурман Н. П. Омельченко, корабль командирлари А. Ф. Чеботарев, В. М. Казанлий ва С. М. Владимировлар қатнашди. Бу сафар қишловчиларга ўн тоннага яқин юклар ташланди.

Бўлинма командири К. Я. Балашов операция тамом бўлганидан кейин идора қилишни корабль командирига топшириб, ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Совет учувчилари ва парашют спорти мастерлари группаси Памирнинг қоқ юрагига ҳаво йўли очдилар. Биз топшириқни муваффақият билан бажарганлигимиз ва булутлар остидаги кўчма станциянинг нормал ишлашини таъминлаганимиздан хурсандмиз.

Улуг Октябрнинг қирқ йиллиги арафасида совет авиациясининг қаҳрамонона йилномасига яна бир ёрқин саҳифа ёзилди.

Н. МОИСЕЕВ,
ЎзТАГ махсус мухбири.
Тошкент — Федченко музлиги — Тошкент.

Булутлар остидаги кўчма станцияга учиб борилди

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/X да **Евгений Онегин.** Ленин орденли СССР Давлат Академик Большой театрининг солисти, СССР халқ артисти **Павел Лисициан** қатнашади, 26/X да **Кармен.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — бугун кеч соат 8 да **София Мар** иштирокида **«Сиҳрли кеча»** тамошасининг давоми.

«ИСКРА» (қишки) — 1 ва 2-залда кундуз ва кечқурун **Бир стакан сув,** 3-залда кундуз соат 12-20 минутдан кеч 6-20 минутгача ва кеч 10-20 минутда **Мексика серенадаси.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Бир стакан сув,** кеч соат 10 да **Мексика серенадаси.**

«ИСКРА» (ёзги) — **Леди Гамильтон.**

КАФАНОВ номли — кеч соат 7 яримда **Мексика серенадаси.**

«ХИВА» — **Бир стакан сув.**

«САЛЮТ» — **Ханка.**

Тошкент область матлубот союзи правленеси билдиради,
«Ташкоопторг», Оржоникидзе район матлубот союзи, Тошкент қишло